БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 199
16 НОЯБРЬ
СЕШАНБА
1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Москвалилар чақириғи асосида меҳнат унумини тобора оширайлик (1-нчи бет).

Совет Иттифоқида (1-нчи бет).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ: **У. Умаров, Н. Рихсиев.** — Жамоатчи депутат (2-нчи бет).

Совет ҳукуматининг Европа мамлакатлари ва АҚШ ҳукуматларига нотаси (2-нчи бет).

С. Исмоилов. — Давлат планларини тўла ва ошириб бажариш учун курашайлиқ (2-нчи бет).

Даладаги пахтанинг бир граммини ҳам қолдирмай тезроқ йиғиб-териб олиб, келгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарликни кучайтириб юборайлик! Ш. Кузанбоев. — Пахта тайёрлаш ва кузги ишларни ўтказишга конкрет раҳбарлик қилинмаётир (3-нчи бет).

ТЕАТР: **Ф. Жўраев, М. Яҳ'ёев.** — «Май тўкилди» (3-нчи бет).

Жаҳон тинчлик кенгашининг сессияси олдидан (4-нчи бет).

Бош министр Неру ҳузурида матбуот конференцияси (4-нчи бет).

Франция коммунистик партияси МК пленуми (4-нчи бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси (4-нчи бет).

Бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллик байрами шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасининг самарали якунлари совет кишиларининг сиёсий активлиги, меҳнат-ғайрати ва ижодий ташаббуси бениҳоя ўсганлигини кўрсатди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида оғир индустрия базасида енгил ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш, кенг истеʼмол молларини кўплаб ишлабчиқариш ва уларнинг сифатини тобора яхшилаш, халқнинг фаровонлигини ошириш соҳасидаги жуда катта программани амалга оширмоқдалар.

1954 йилнинг ўтган 10 ойи ичида саноатимиз давлат планини ошириб бажарди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш шу вақт ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 процентдан зиёдроқ кўпайди. Социалистик саноатимиз эндиликда урушгача бўлган вақтдагига қараганда 2,8 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Социалистик экономика асосларининг асоси, халқ хўжалигининг барча тармоқларини янги, замонавий илғор техника блан тобора кўпроқ таʼминлаётган ва мамлакат мудофаасининг мустаҳкам таянчи бўлган оғир индустрия урушгача бўлган даражадан қарийб 3,5 баравар ошиб кетди. Саноат соҳасида эришган бу ғалабаларимиз бешинчи бешйилликнинг муддатидан илгари бажарилишидан дарак беради.

Бу ғалабалар саноат корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари, темирйўл транспортининг кўпмингли армияси ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига чексиз садоқат кўрсатиб, ижодий ташаббус ва зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилаётганликлари туфайли қўлга киритилмоқда.

Областимиз саноат корхоналари ходимлари Москвадаги илғор корхона коллективларининг Октябрь байрами кунларида бутун мамлакатга янграб эшитилган чақириқларига қўшилиб, меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бешинчи бешйиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақада катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Тошкентдаги ремонт-поддиқник, электромеханик, «Автотрактордеталь» карборун заводлари, Янгийўлдаги резина-техника заводи, Оҳангарондаги «Огнеупорний» заводи каби бирқанча илғор корхоналар, шунингдек кўпгина артельлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллик байрамини 11 ойлик ва йиллик давлат планларини муддатидан илгари бажариш блан кутиб олдилар.

Карборун заводининг коллективи москвалиларнинг чақириғига жавобан социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, меҳнат унумини оширишда, айниқса маҳсулотнинг сифатини яхшилашда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Меҳнат унумини ошириш ишлабчиқаришни тобора ривожлантириш, саноат маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш, давлат топшириқларини тўла ва ошириб бажаришнинг асосий ва ҳал қилучи омиллардан биридир. Меҳнат унумини ошириш блан бир қаторда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, унинг мустаҳкам, пишиқ ва ташқи кўринишининг чиройли, бежирим бўлишига эришиш—ҳарбир корхона коллективининг давлат олдидаги бурчидир.

Завод коллективи Ватан ва давлат олдидаги ўз бурчини шараф блан бажариш мақсадида бешйиллик планнинг заводда қандай бажарилаётганлигини якунлади ҳамда ўзидаги барча имкониятларни хисоблаб чиқди. Ўтган уч йил-у 10 ой ичида корхонада ўнларча қимматли техника янгиликлари ишлабчиқаришга жорий қилинган. Бу эса корхона коллективига шу вақт ичида пландан ташқари 3 миллион сўмдан кўпроқ миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини берди. Ҳозир завод 1955 йил учун кўзда тутилган ишлабчиқариш даражасига эришди, меҳнат унуми 1950 йилдагига нисбатан 53 процент ўсди.

Карборун заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари москвалиларнинг ватанпарварлик чақириқларини муҳокама қилиб, бешйиллик планни келгуси йил 7 ноябрьгача бажариш, меҳнат унумини 1953 йилдагига нисбатан яна 7 процент ошириш ва маҳсулот таннархини 6 процент камайтириш юзасидан оширилган янги мажбурият олдилар. Корхона коллективи ўз зиммасига олган янги мажбуриятни тўла ва ошириб бажариш учун ишлабчиқаришдаги барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиб, фидокорона меҳнат қилмоқда.

Броқ, областимиздаги айрим корхоналарнинг раҳбарлари социалистик мусобақада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш, новаторлик таклифларини ишлабчиқаришга жорий қилиш, ишлабчиқаришдаги мавжуд резервларни меҳнат унумини оширишга сафарбар этиш, ишчилар оммасининг ташаббусини қўллаб-қувватлаш ўрнига мусобақада расмиятчиликка, ҳали ҳам штурмчиликка йўл қўймоқдалар.

Чирчиқдаги пойафзал фабрикасида маҳсулотнинг турлари бўйича белгиланган план бажарилмайди. Ишлабчиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати тобора пасайиб кетмоқда. Масалан шу йилнинг 9 ойи ичида биринчи сорт маҳсулот планда кўрсатилган 83,8 процент ўрнига фақат 77,4 процент ишлабчиқарилди. Корхона сифатсиз маҳсулот ишлабчиқарилаётганлиги учун савдо ташкилотларига шу йилнинг 9 ойи ичида 32 минг 700 сўм рекламация тўлади. Шу муддат ичида 9 мингдан ортиқ пойафзал сифатсиз ишлабчиқарилди. Бу мисоллар фабрика раҳбарларининг ўз ишларига масʼулиятсизлик блан қараётганлигини кўрсатади.

Илғор корхоналарнинг тажрибаси областимиздаги барча саноат корхоналарида меҳнат унумини ошириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш резервлари битмас-туганмас эканлигини кўрсатди. Бу резервларни ахтариб топиш ва уни ишлабчиқаришга кенг жорий қилишда партия, касаба союз ташкилотлари, шунингдек хўжалик раҳбарлари ишчилар оммасининг ижодий ташаббусига бошчилик қилишлари, улар томонидан яратилаётган янгиликларни кенг оммалаштиришлари лозим.

Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари Москвадаги илғор корхоналар коллективларининг меҳнат унумини янада ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун, бешинчи бешйиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбориш тўғрисидаги чақириғини ва улар эришаётган муваффақиятларни кенг пропаганда қилишлари, чақириққа жавобан олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таʼминлашлари лозим. Шунга эришиш керакки, бешинчи бешйиллик планни муддатидан олдин бажариш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилмаган ва ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини бажармаган биронта ишчи ва инженер-техник ходим қолмасин!

Областимиздаги саноат корхоналарининг ходимлари Москва шаҳридаги илғор корхона коллективларининг чақириғи асосида меҳнат унумини ҳартомонлама ошириш

Қашқадарʼё области давлат пахта тайёрлаш планини бажарди

Қашқадарʼё областининг колхозлари КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумларининг ҳамда СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954 — 1958 йилларда пахтачиликни ривожлантириш тадбирлари ҳақида» чиқарган қарорларини амалга ошира бориб, 14 ноябрьда — ўтган йилдагидан 11 кун илгари давлат пахта тайёрлаш планини бажардилар. Областьда 1953 йилнинг шу муддатидагига қараганда 10 минг тонна кўп пахта топширилди. Топширилган пахтанинг 97,1 процента отбор ва биринчи сортларга қабул қилинди.

Қашқадарʼё областининг колхозлари давлатга пландан ташқари яна 20 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Область колхозлари бу йил дон экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирдилар, дон экинлари йиғим-теримини ташкилий суратда ўтказдилар ва давлатга ғалла топшириш ва сотиш планларини муддатидан илгари бажардилар. Давлатга ўтган йилдагига қараганда анча кўп ғалла топширилди.

Областьнинг колхозлари бу йил қоракўл терилари тайёрлаш планини ҳам ошириб бажардилар. 1953 йилдагига қараганда анча кўп қоракўл тери топширилди.

Шу кунларда областьнинг пахта далаларида ерлар ғўзапоядан тозаланмоқда ва шудгарлаш қизитиб юборилмоқда. Область колхозлари бутун пахта ҳосилини тез кун ичида йиғиб-териб олиш ва келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрлаш учун курашмоқдалар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 15 НОЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МАʼЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Сирдарʼё	0,29	91,12	Оққўрғон	0,33	72,47
Мирзачўл	0,21	87,69	Чиноз	0,32	72,08
Верхне-волинск	0,34	87,12	Янгийўл	0,38	70,54
Оржоникидзе	0,36	84,44	Октябрь	0,34	67,25
Гулистон	0,34	82,26	Бекобод	0,34	63,70
Юқоричирчиқ	0,24	81,97	Оҳангарон	0,42	63,17
Калинин	0,51	81,74	Пискент	0,33	59,97
Қуйичирчиқ	0,60	74,59	Ўртасарой	0,29	57,65
Бўка	0,33	73,07	Ўртачирчиқ	0,34	56,21
Ховос	0,36	72,54	Паркент	0,37	55,70

Москвалилар чақириғи асосида меҳнат умумини тобора оширайлик!

Завод йиллик планни бажарди

Қуйичирчиқ районидаги Кўрғонча канопʼжут заводининг илғор коллективи мавжуд ишлабчиқариш майдонидан рационал фойдаланиш, қўл меҳнати талаб қиладиган кўпчилик процессларни механизациялаш ва илғор иш методларини кенг қўлланиш натижасида йиллик топшириқни 10 ой ичида ортиғи блан бажаришга муваффақ бўлди.

П. Крайнюк, К. Раҳимов, Н. Кашэва ўртоқлар бошчилигидаги цехларнинг ишчан коллективлари республикамиз юбилейи шарафига ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб юбориш натижасида хозир йиллик планни 180—200 процентга етказиб бажардилар. Заводнинг Н. Арслонов, А. Бектошэв, М. Алимова, А. Гаффорова, Ф. Зейнудинов сингари ўнлаб илғор ишчилари меҳнатни намунали ташкил қилишлари ва иш вақтининг ҳарбир минутидан унумли фойдаланишлари натижасида 1955—1956 йиллар ҳисобига ишламоқдалар. Ҳозир улар москвиларнинг бешинчи бешйиллик планни муддатидан олдин бажариш тўғрисидаги чақириқларидан руҳланиб кундалик нормани 250—270 процентдан адо этмоқдалар.

Завод коллективи яна 80 тонна тола ишлаб бериш мажбуриятини олди. Бу мажбурият юзасидан ноябрь ойининг биринчи декадасида 15 тоннага яқин маҳсулот тайёрлаб берилди.

Қ. ПЕРШЕЕВ.



«Таштекстильмаш» заводи коллективи москвалилар ташаббусини қизғин қўллаб-қувватламоқда. Заводнинг илғор ишчиси Х. Лутфуллаева смена топшириғини доимо ортиғи блан бажараётир. **Суратда:** ўртоқ **Х. Лутфуллаева.**

А. Палехов фотоси.

Комбинат коллективининг муваффақияти

ТОШКЕНТ районы. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). **Саноат комбинати коллективи ишлабчиқаришни яхши ташкил қилиш натижасида меҳнат соҳасида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқда. Ўн ойлик топшириқ 116 процент бажарилди. Ганч заводи ишчилари ва хизматчилари эса илғор иш методларини кенг қўлланиб, ички резервлардан унумли фойдаланиб, ҳарбир смена, бригада ва ҳарбир ишчининг меҳнат унумини ошириш учун барча воситаларни ишга солиб, йиллик давлат программасини ўтган ўн ойнинг ўзида икки ҳисса ортдириб бажаришга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, ғишт заводи ва тикучилик цехининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари ҳам йиллик планни муддатидан 2 ой олдин ортиғи блан адо этдилар.**

Комбинат коллективи москвиларнинг бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш тўғрисидаги ватанпарварлик чақириқларига кўшилиб, йил охиригача 1955 йил ҳисобига 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб бериш мажбуриятини олди. Шу жумладан, тикучилик цехи, якка буюртмалар цехи коллективлари 600 минг сўмлик маҳсулот, ғишт заводи ишчилари эса, йил охиригача қурилишлар учун яна 400 минг дона пишиқ ғишт ишлаб бериш учун астойдил курашмоқдалар.

Машинасозлар ғайрати

Бешинчи бешйилликни муддатидан илгари бажариш учун мусобақа бошлаган москвиларнинг ташаббусини Тошкентдаги МПС заводининг коллективи қизғин маʼқуллаб кутиб олди. Заводнинг ишчилари ва мутахассислари Совет Иттифоқи пойтахти меҳнаткашларининг янги ватанпарварлик ташаббусини муҳокама қилиб, бешйиллик планни Октябрьнинг 38 йиллигигача бажаришга, меҳнат унумини бешйиллик пландагига нисбатан 22 процент оширишга, компрессорларнинг ва темирйўл транспорти учун детальларнинг таннархини 1954 йилда эришилган даражага нисбатан ўрта ҳисобда 7 процент камайтиришга қарор қилдилар.

Қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун ташкилий-техника тадбирлари ишлаб чиқилди. Машиналар учун зарур бўлган кўпгина детальларни тайёрлаш поток усулига кўчирилади, детальларни штамповка қилиш усули кенг қўлланилади, кўп меҳнат талаб қиладиган процесслар механизациялаштирилади. Механика ва йиғув цехларида кучли кўтарма кранлар ўрнатилади. Завод инженерлари томонидан ўзгартириб ишланган беш кублик янги хил компрессор 1955 йилда кўплаб ишлаб чиқарилабошланади.

(ЎзТАГ).

Меҳнат унуми ошмоқда

Республикамизнинг пойтахтида жуда катта қурилиш ишлари кетмоқда. Шаҳарнинг жуда кўп кўчаларида кун сайин янги мактаб, турғуқона, кўпқаватли уйжой бинолари қад кўтармоқда.

Тошкентдаги 3-нчи ғишт-черепица заводининг коллективи ана шу қурилишларни кўплаб юқори сифатли ғишт ва бошқа хил бинокорлик материаллари блан таʼминлаб келмоқда. Корхона ишчилари ҳамда инженер-техник ходимлари меҳнат унумини ошириш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун социалистик мусобақа асосида ишлаб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Завод коллективи москвилар ташаббусига қўшилиб, ишлабчиқаришни график асосида ташкил этмоқда ва кундалик графикни 113—115 процентга етказиб бажармоқда.

Меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашда корхонанинг ғишт пишириш цехининг ишчилари юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Смена мастери Сайдали Меҳмонов воронежли ғишт пиширишнинг машҳур мастери, Сталин мукофоти лауреати новатор Дувановнинг прогрессив методи асосида ишлаб, юксак натижаларга эришмоқда. Ўрток Меҳмоновдан ўрнак олган цехнинг бошқа ишчилари ҳам ғишт пиширишда тезкорлик усулини қўлланмоқдалар. Илгарилари пиширишни печининг ҳарбир кубометрига 1317 дона ғишт жойланар эди. Сайдали Меҳмонов печьнинг ҳарбир кубометрига 2180 донадан ғишт жойлади. Натижада меҳнат унуми ошди, ғишт пиширишнинг процесси бирмунча қисқарди ҳамда 5 процентгача ёқилғи тежаш имконияти туғилди.

Илгор ишчилардан Ғани Валиев, Иван Ломакин, Ҳакима Умидбоева ва бошқа ўртоқлар ишлабчиқаришда Дуванов методини қўлланиб, кундалик топширинни бирярим—икки ҳисса ошириб бажармоқдалар.

М. МУСАЕВ.

Москвалилардан ўрнак олиб

«Ўзхудожшвейпромсоюз»га қарашли Тошкентдаги Охунбобоев номли артель ишчилари аҳолига юқори сифатли кенг истеʼмол моллари етказиб бериш учун курашиб, яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Коллектив ўртасида социалистик мусобақанинг кенг йўлга қўйилиши туфайли 10 ойлик топшириқ муддатидан илгари бажарилди ва пландан ташқари меҳнаткашлар учун 900 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхона коллективи Москва шаҳар корхоналари коллективларининг бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кенгайтириш ҳақидаги ташаббусини қизғин қўллаб-қувватламоқда. Артель ишчилари меҳнат унумини ошириш учун курашиб, ўтган 10 ой ичида минг метрга яқин материал тежадилар, меҳнат унумини 10 процент оширдилар.

Ўрток Рохатой Туропова бошлиқ 2-нчи цех аʼзолари хафталик ва ойлик планларни доимо ошириб бажариш блан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. О. Тўлаганова, М. Тошмуҳамедова, Р. Одилова каби ўнлаб ишчилар кундалик смена топширигини 200—250 процентга етказиб бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Т. УРУНОВ.

Пландан ташқари маҳсулот

Тошкентдаги «Мельмашстрой» заводининг коллективи республикамиз шонли юбилейи шарафига социалистик мусобақа асосида ишлаб, катта муваффақиятларга эришмоқда. Завод бўйича 11 ойлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш давлат плани октябрь ойининг охиридаёқ, 106 процентга етказиб бажарилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27 процент ортди. Уч квартал давомида ишланган маҳсулотнинг таннархи планга нисбатан 9,6 процент камайтирилди, меҳнат унуми эса 38 процент ошди.

Завод коллективи ғалла ҳосилини йиғиб олиш ва янчиш учун хизмат қилучи транспортёр ва самоподавательлар ишлаб чиқариш йиллик топширигини муддатидан 2 ой илгари ортиғи блан тамомлашга эришди.

Корхона ишчилари ва инженер-техник ходимлари москвилар чақирилгига жавобан йиллик ялпи маҳсулот ишлабчиқариш топширигини 20 декабрьгача бажариш ва йил охиригача пландан ташқари 30 минг сўмлик маҳсулот бериш мажбуриятини олдилар. Улар бу мажбуриятни шараф блан бажариш учун янада ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар.

Б. ИМОМОВ.

Совет Иттифоқида

Артиллерия куни олдидан

Артиллерия куни яқинлашмоқда. Мамлакат шаҳарларида ва қишлоқларида, ҳарбий қисмларда Ватанимиз артиллериясининг шонли тарихи ҳақида, Совет Армиясининг солдатлари, сержантлари, офицерлари томонидан Улуғ Ватан уруши йилларида қилинган ўлмас қаҳрамонликлар тўғрисида докладлар ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Армия, авиация ва флотга ёрдам беручи Бутуниттифоқ кўнгилли жамият Марказий комитети Артиллерия куни шарафига 1300 та кўчма фото-виставка чиқарди. Бу фотовиставкаларда ДОСААФ бошланғич ташкилотларининг ҳарбий-техника ва оммавий спорт ишлари тасвирлаб берилган. Иттифоқчи республикаларда, ўлкаларда ва областьларда ўтказилаётган отиш мусобақаларида отиш-спорт клубларининг минглаб аʼзолари қатнашмоқда.

М. В. Фрунзе номидаги Совет Армияси Марказий Уйининг кутубхонасида Артиллерия кунига бағишланиб катта китоб виставкаси очилди. (ТАСС).

Йиллик план бажарилди

Гурьев, 13 ноябрь. (ТАСС). Гурьев областининг балиқ саноати балиқ овлаш йиллик планини бугун муддатидан олдин бажарди. Ўтган йилнинг шу давридагига қараганда давлатга 804 минг пуд кўп балиқ топширилди.

Гурьев машина-балиқ станцияси социалистик мусобақада биринчиликни олди. У давлатга ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 175 минг пуд кўп балиқ топширди.

Шимолий Каспий балиқчилари пландан ташқари 250 минг пуд балиқ овлаб бериш мажбуриятини олдилар.

Тинчлик учун курашга бағишланган йиғилишлар

Совет кишиларининг тинчлик учун олиб бораётган курашига бағишланиб Москва корхоналари, муассасаларида ва ўқув юртларида йиғилишлар ўтказилмоқда. Бауман номидаги Москва олий техника мактабида 13 ноябрьда шундай йиғилиш ўқлиб ўтди. Бу йиғилишда профессорлар, ўқитучилар, студентлар, мактабнинг ишчилари ва хизматчилари қатнашдилар.

Йиғилишни техника фанлари доктори профессор Г. Николаев очди. Сўнгра тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг аʼзоси ёзучи А. Софронов сўзга чиқди. У тинчлик тарафдорлари ҳаракати бутун дунʼёда жуда кенгайиб кетганлиги тўғрисида гапирди ва ўзининг турли мамлакатларга борган вақтда олган таассуротларини айтиб берди.

Филология фанлари кандидати М. Красинская, техника фанлари доктори профессор Д. Прокофьев совет кишиларининг тинчликка астойдил интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

«Каучук» заводи ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларининг кеча завод клубида бўлган йиғилишида тинчликни химоя қилиш Совет комитетининг аʼзолари СССР халқ артисти С. Образцов ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Маресьев сўзга чиқдилар. Бу йиғилишда слесарь В. Орлов, комсомол комитетининг секретари Л. Гушчина ва завод директори И. Манелов ҳам сўзладилар. (ТАСС).

Ёзучиларнинг иккинчи сʼезди олдидан

Ёзучиларнинг яқинда бўладиган Бутуниттифоқ иккинчи сʼезди муносабати блан Москвада адабиётчилар блан китобхонларнинг учрашувлари ўтказилмоқда.

12 ноябрьда пойтахт ўқитучилари, кутубхоначилари, комсомол ходимлари Союзлар уйининг Октябрь залида тўпландилар. Бу йиғилишга ёзучилардан З. Александрова А. Алексин, М. Мустаев, Н. Найденова, Н. Носов келдилар.

Болалар китоби Уйининг директори С. Т. Любимова кириш нутқи сўзлаб, болалар адабиётининг аҳволини ва уни ривожлантириш вазифаларини гапириб берди.

Л. Толстой номидаги болалар кутубхонасининг ходими Т. М. Михайловская, 577-нчи болалар боқчасининг тарбиячиси Л. Н. Елисеева ва бошқалар ёзучиларнинг болаларга ибрат бўладиган қаҳрамонларни тасвирловчи китобларни ҳали ҳам кам ёзаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Ёзучилар сўзга чиқиб ўзларининг ижодий планларини айтиб бердилар.

Москва шаҳар Пионерлар уйида «Китоблар тўғрисида гаплашайлик» деган темада 12 ноябрьда ўтказилган кечага мактаб ўқучиларидан 500 га яқин бола тўпланди. Бу кечада болалар ёзучиларидан В. Баникин, В. Беляев, О. Висотская, Е. Ильина, Н. Кальма, Л. Кассиль қатнашдилар. Улар болаларга ўзларининг янги асарларидан парчалар ўқиб бердилар. Ўзларининг ишлари тўғрисида гапирдилар. (ТАСС).

Бешйиллик муддатидан ярим йил олдин бажарилади.

РИГА, 13 ноябрь. (ТАСС). Электростанциялар учун ускуналар чиқаручи «Латвэнерго» заводи коллективи ишлабчиқариш программасини йил сайин ошириб бажармоқда. Улуғ Октябрьнинг 37 йиллигигача тўрт йилнинг планида кўрсатилганига қараганда беш миллион сўмлик маҳсулот кўп чиқарилди. Ҳозир корхона коллективи йиллик топшириқдан ошиқ маҳсулот бермоқда.

Завод шу йилнинг ўн ойи ичида 1950 йилнинг шу давридагига қараганда 27 баравар кўпроқ маҳсулот берди. Шу йиллар ичида меҳнат унуми 80 процентдан зиёдроқ кўпайди.

Корхона коллективи москвиларнинг ватанпарварлик ташаббусини муҳокама қилиб, бешйиллик планни муддатидан ярим йил олдин, яʼни 1955 йил 1 июльгача бажаришга қарор қилди.

Полиграф комбинати қурилишида

САРАТОВ ТАСС). Шаҳарнинг энг катта магистрали бўлган Чернишевский кўчасида полиграф комбинат корпуси қад кўтармоқда. Бу комбинат ҳар йил бошланғич, ўрта ва олий мактаблар учун Совет Иттифоқидаги кўп халқларнинг тилларида 45 миллион нусха дарслик чиқаради. Ҳозирги вақтда бинокорлар комбинат асосий ишлабчиқариш корпусининг иккинчи қаватини қурмоқдалар. Қозонлар ўрнатиладиган бино қурилиб бўлди, қозонларни ўрнатиш, бетон заводи, гараж қуриш, шунингдек полиграфия ускуналарини ремонт қиладиган механика мастерскойи биносини қуриш ишлари битказилди.

Полиграфия комбинати қурилиши 1956 йилда битказилади.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Жамоатчи депутат

— Қиз бола деган ишдан ўз вақтида қайтса-да! Қаерда қолди экан? Еки бирэр зарур иши чиқиб қолдимикан? — хаёлидан ўтказди Хумайрахола.

У пияладаги совуб қолган аччиқ чойдан бир хўплади-да, ўрнидан турди.

Шу пайт кўча эшиги тақиллади. Хумайрахола югуриб бориб эшик очди.

— Ойижон, хавотир олгандирсиз-а, бир зарур иш чиқиб қолиб, кечикдим, — деди, Ҳалима.

— Шундай экан, кеч келаман деб айтиб кетсанг бўларди.

— Кечиринг ойи, энди бундай қилмайман. Мен бугун қилган ишларимни сизга бирма-бир сўзлаб бермоқчиман, — деди

— Бугун ишдан кейин клубга бўлдик. Клубнинг қандай аҳволга тушиб қолганини кўрсангиз эди!

Ҳалима онасига сўзлаб бераётган воқеа яқинда рўй берган эди. Район ижроия комитетининг раиси Ҳалимани ўз ҳузурига чақириб шундай деди:

— Ўртоқ Аловуддинова, сизга муҳим бир топшириқ бор. Раззоқов ва Рашидов ўртоқлар блан клубга борасиз. Клубдаги ишлар жуда бўшашиб кетибди. У ердаги камчиликларни тўла аниқлаб, амалий тадбирлар кўриш зарур. Сиз депутат сифатида бу ишга бош бўласиз.

Аловуддинова райижроком раиси кабинетидан чиқиб Сталин район ижроия комитети маданий-оқартув бўлимининг мудири Раззоков ва маданий оқартув доимий комиссияси раиси Рашидовлар блан бирга клубга борди. Улар ишни клубнинг иш плани блан таниишишдан бошладилар. Клуб мудири Ўртоқ Содиқованинг иш тажрибаси етарли бўлмагани сабабли иш планида кўрсатилган тадбирларнинг кўпи амалга оширилмай қолган. Клубда бадиий ҳаваскорлик ва тикув-бичув тўгаракларигина ишлайди, сиёсий тарбиявий ишлар эса, ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

—Мен бунчалик деб ўйламаган эдим.— деди Раззоқов. Ишнинг бунчалик бўшашиб кетгани учун бизлар ҳам айбдормиз. Чунки, Ўртоқ Содиқовага яқиндан ёрдам бериб турмадик, клубга кейинги вақтларда мутлақо ёрдам бермай қўйдик.

Улар клуб ишидаги камчиликларни тугатиш юзасидан зарур тадбирлар белгиладилар. Бу тадбирларнинг қоғозда қолиб кетмаслиги учун, клубнинг бундан кейинги ишига ёрдам бериб туриш Ўртоқ Аловуддиновага топширилди.

* * *

Ҳалима ўтган гапларни онасига қисқача ҳикоя қилиб бергач, клуб ишини яхшилаш учун анча иш қилиш кераклигини айтди.

— Қанақа ишлар экан, бу, болам? Яна уйга кечалари қайтасанми? — сўради Хумайрахола.

— Клубда шахмат-шашка тўгарагини ташкил қиламиз, республикамизнинг яқинда бўладиган 30 йиллик тўйига тайёргарлик кўрамиз, яна шунга ўхшаш ишлар бор. Шулар битгандан кейин, вақтли келавериб жонингизга ҳам тегиб кетаман, — деб кулдида онасини маҳкам қучоқлаб қўйди.

— Ҳа майли, ишқилиб омон бўлгин, қизим, — деди Хумайрахола ва Ҳалиманинг овқатини олиб келиш учун ўрнидан қўзғалди.

Ҳалима ёшлигида ҳам куйди-пишди қиз эди. У, «Красний текстильщик» артелининг тўқучилик цехига ишга киргач ўз ҳаракатчанлиги блан тез орада артель а'золарига танилди. У, бирнеча ҳафтадан сўнг 12 метр газмол тўқиш ўрнига кунига 50—60 метрдан газмол тўқийбошлади. Озгина вақт ўтар-ўтмас Ҳалима актив жамоатчи бўлиб ҳам танилди. 1946 йилда ўзи комсомол сафига қабул қилдилар.

Унинг активлиги янада ошди. Комсомол а'зоси бўлиши шарафи Ҳалимани янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантирди. Ҳалима ташаббускор, меҳнатсевар бўлгани учун артель комсомоллари уни 1950 йилда бошланғич комсомол ташкилоти комитетининг секретари қилиб сайладилар.

Артельда маданий-оқартув ишлари янада авж олиб кетди. Музика, бичув-тикув тўгараклари ташкил қилинди. Бу тўгараклларга ҳозир 70 дан ортиқ киши қатнашмоқда.

Ҳалима 1952 йилда артель раисининг маданий-оқартув ишлар бўйича ўринбосари қилиб тайинланди. Ҳалима коллективнинг ишончини ўз амалий ишлари блан оқламоқда. Артельда маданий-оқартув ишлари яхши йўлга қўйилган. Халқ чолғу асбоблари оркестри ташкил қилинди. Энди артель коллективи ўз ҳаваскорлари ижросида яхши-яхши концертлар, қизиқарли темаларда кўпгина лекциялар тингламоқда.

Артель коллективи ишчан ва қобилиятли Ҳалима Аловуддиновани меҳнаткашлар депутатлари район совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Сталин район 61-нчи сайлов округидан депутат қилиб сайланган Ҳалима Аловуддинова ўз сайловчиларининг ишончини ҳам шараф блан оқламоқда. Район территориясидаги барча корхона ва муассасаларда маданий-оқартув ишларини яхшилашда ўртоқ Аловутдинова қўлидан келган ёрдамни аямайди. Район ижроия комитетининг маданий-оқартув бўлими томонидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда ҳам Ҳалима ташаббус блан ишлайди.

Ҳалима райижроком маданий-оқартув доимий комиссиясининг а'зосидир. У бу комиссия ишида ҳам ғайрат блан ишламоқда. У, депутат сифатида фақатгина район маданият уйи ва клуб ишларини яхшилашга ёрдам бериш блан чегараланиб қолмай, бирнеча корхона ва муассасаларни, чунончи, «Тўртинчи бешйиллик», «5-нчи декабрь» артельларининг маданий-оқартув ишларини яхши йўлга қўйишда ҳам бевосита иштирок этмоқда.

Ҳалима бу ишларни уни моҳир жамоатчи этиб тарбиялаган артель коллективига, район ижроия комитетига, барча сайловчиларга таянган ҳолда олиб бормоқда.

У. УМАРБЕКОВ,
Н. РИХСИЕВ.

Ишчан савдо ходими

Ўртоқ Хўжампошшо Ғозихонов 1918 йилдан буён совет савдосининг тормоқларида халол хизмат қилиб келаётир. У, Пискент, Оққўрғон районларида дастлабки кооператив савдосини ташкил қилиш ва матлубот жамиятини тузишда ташаббусчи бўлди.

Ғозихоновнинг намунали хизматлари, халқ ва давлат мулкини кўз қорачиғидек сақлаб келаётганлиги партия ва ҳукуматимиз томонидан тақдирланди. У, икки марта «Шавкатли меҳнати учун» медали блан, ВЦСПнинг Фахрий ёрлиғи блан, 2 марта «Ўзбекбирлашув»нинг ёрлиғи блан ҳамма Пискент район пайчилари номидан бир олтин соат блан мукофотланди.

Ҳозир Ўртоқ Ғозихонов 71 ёшга кирди. Аммо у ҳали тетик. Район матлубот жамиятига қарашли район универмагига директорлик қилиб, ойлик ва йиллик мол оборотти планларини ортиғи блан бажарилишига муваффақ бўлмоқда. Район универмагининг 1954 йил учун белгиланган савдо плани биринчи октябрьгача 103,3 процент бажарилди. Магазиннинг ҳамма бўлимлари аҳоли учун зарур моллар блан та'минланган. Район универмагининг коллективи йил охиригача яна 700 минг сўмлик савдо қилиш мажбуриятини олди.

С. ВОҲИДОВ,
С. АЛИЕВА.

Суратда: Ленин чўққиси юксак траверсининг (баландлиги 7134 м) СССР-даги биринчи раҳбари, мамлакатнинг энг яхши альпинисти—комсомол а'зоси Валентин Ковалев.

В. Рацек фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ФАН ва ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ДОН ТОЗАЛАШ АГРЕГАТИ

Львовдаги «Металл» заводида дон тозалаш ва ортиш учун механизациялаштирилган юксак ишлабчиқариш унумига эга бўлган агрегат тайёрланди.

Янги машина бир вақтнинг ўзида донни сортларга ажратади, ўлчайди ва автомашина ёки вагонларга ортади. У, 11 комплектли ғалвирлар блан та'минланган. Бу ғалвирлар жавдар, буғдой, сули, тариқ, нўхот ва бошқа донларни сортларга ажратади. Агрегат ўнларча кишининг ишини қилади ва 1 соатда 6 тонна донни сортларга ажратиб беради.

Механизациялаштирилган дон тозалаш ва ортиш агрегати хирмонларда, қабул қилиш пунктларида ва элеваторларда ишлатилади. У, бензин блан ишлайдиган двигатель блан та'минланган. Шунингдек, бу агрегатни трактор, трансмиссия ёки электромотор ёрдами блан ҳам ҳаракатга келтириш мумкин.

Янги дон тозалаш механизми заводларда ва ишлабчиқариш шароитларида синовдан ўтказилганда яхши натижалар берди.

ЯНГИ АВТОМАТЛАР

Львов политехника институтининг станоклар ва асбоб-ускуналар кафедрасининг ходимлари саноат молларини контроль қилучи ва ҳисобга олиб боручи оригинал автоматлар конструкциясини ишлаб чиқдилар. Булар орасида шарикоподшипникларнинг шариклари қаттиқлигини текширучи, тикув машинаси игналарининг мустаҳкамлигини текширучи асбоблар бор. Бу асбоб 1 соат ичида 4.200 дона игнанинг мустаҳкамлигини белгилаб бераолади.

Тугмаларни механик тарзда ҳисобловчи «АСД—218» автомати ҳам юксак кўрсаткичларга эга. Бу асбоб 1 соатда 50 мингача тугмани санаб чиқади. Янги автоматлар профессор А. Н. Рабинович раҳбарлигида кафедра ходимларидан М. В. Медведев, В. И. Фесенко, В. И. Смилянский, А. С. Ланин, В. И. Клоков ва бошқалар томонидан кашф қилинган.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ

Европа мамлакатлари ва АҚШ Ҳукуматларига нотаси

13 ноябрьда СССР Ташқи Ишлар Министрлиги СССР блан дипломатия муносабатларида бўлган Европа мамлакатларига Совет Ҳукуматининг Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш масаласи юзасидан Умумевропа Кенгашини чақириш ҳақида бир хил мазмундаги ноталарини юборди. Ноталар қуйидаги давлатларнинг, чунончи Франция, Буюк Британия, Австрия, Албания, Бельгия, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Голландия, Греция, Дания, Исландия, Италия, Люксембург, Норвегия, Польша, Руминия, Туркия, Финляндия, Чехословакия, Швейцария, Швеция, Югославиянинг Москвадаги элчихоналари ва миссияларига, шунингдек Америка Қўшма Штатларининг Элчихонасига юборилди.

Бундан ташқари, бу нота Хитой Халқ Республикасининг Элчихонасига юборилди. Мазкур Кенгашда кузатучи сифатида қатнашиш учун Хитой Халқ Республикасининг вакили таклиф этилган.

Қуйида СССР Ҳукуматининг Франция Ҳукуматига юборган нотасининг тексти босилади.

«Совет Ҳукумати Франция Ҳукуматига қуйидагиларни баён қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Шу йил 23 октябрьда Парижда Ғарбий Германияга тааллуқли битимлар имзоланди. Бу битимлар имзоланишидан олдин Лондонда тўққиз мамлакатнинг кенгаши ўтказилди. Бу кенгашнинг қатнашчилари Германия масаласи юзасидан сепарат тадбирлар тўғрисида бир қарорга келдилар.

Париж битимлари Германия тўғрисидаги халқаро битимларга хилоф суратда Ғарбий Германияда милитаризмни қайтадан тиклашни, Ғарбий Германия қуролли кучларини вужудга келтиришни ва Ғарбий Германияни ба'зи давлатларнинг Европадаги бошқа давлатларга қарши қўйиладиган ҳарбий гуруҳларга тортишни кўзда тутади.

Ғарбий Германияда армия вужудга келтирилмоқда. Бу армия яқин вақт ичидаёқ 500—520 минг кишилик иборат бўлиши керак ва у йирик авиация ҳамда танк қўшилмаларига, шунингдек ўзининг ҳарбий штабларига эга бўлиши керак. Герман милитаристлари Ғарбий Германия армиясининг Лондон ва Париж битимларига мувофиқ белгиланган миқдорини янада кўпроқ қуролли кучлар тузиш учун фақат бир база деб қараётганликларини ҳозирнинг ўзидаёқ яширмаётирлар.

Ғарбий Германия армияси иккинчи жаҳон уруши йилларида гитлерчилар армиясига етакчилик қилган ва фашистлар агрессиясида ҳамда Европа мамлакатларида гитлерчиларнинг қонли «янги тартиб»ни ўрнатишда қатнашган герман генералларининг раҳбарлиги остида вужудга келтирилмоқда.

Лондон ва Париж битимлари Ғарбий Германия милитаристлари ва қасосчиларига қурол-яроғларни чекланмаган миқдорда ишлаб чиқариш учун ҳам кенг йўл очиб беради. Ғарбий Германиянинг қуролли кучлари ўз қуроллари қаторида атом қуролига эга бўлиш имкониятини ҳам оладилар, бу эса Европада ҳалокатли атом уруши хавфини кўп даража оширади.

Мазкур битимлар ремилитаризация қилинган Ғарбий Германияни ҳозирги вақтда тузилаётган ва «Ғарбий Европа иттифоқи» деб аталган янги ҳарбий гуруҳга, шунингдек Шимолий Атлантик блокига жалб этишни кўзда тутади. Совет Ҳукумати Шимолий Атлантик блокининг агрессив характерини кўп марта кўрсатган эди.

Буларнинг ҳаммаси Ғарбий Германияга нисбатан Европада тинчликни мустаҳкамлаш вазифасига ҳам, Германиянинг милий бирлигини тиклаш вазифасига ҳам хилоф бўлган йўл амалга оширилаётганлигини исбот этади. Лондон ва Париж битимларининг амалга оширилиши Германияни эркин умумгерман сайловларини ўтказиш воситаси блан бирлаштириш ниши Европа халқларининг, шу жумладан герман халқининг ҳам ашаддий душмани бўлган герман милитаризмини қайтадан тиклаш планларига қурбон қилиш бўлур эди.

Совет Ҳукумати Германиянинг бирлигини қайтадан тиклаш масаласининг ҳал этилишини енгиллаштиришга интилиб, оккупациячи қўшинларни Шарқий ва Ғарбий Германия территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетиш масаласини қараб чиқишга тўғрисида таклиф киритди. Айни вақтда Шарқий Германияда ҳам, Ғарбий Германияда ҳам немис полициясининг сонини ва ҳамма хилдаги қуролларини белгилаш тўғрисида ҳам таклиф киритилган эди. Совет Ҳукумати ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши Европадаги кескинликни юмшатишга ёрдам берган бўлар эди, деб ҳисоблаб келди ва ҳозирда ҳам шундай деб ҳисоблайди.

Лондон ва Париж битимлари иттифоқ бўлиш ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1944 йилда тузилган Франция-Совет Шартномасига ва урушдан кейинги даврда ҳамкорлик қилиш ҳамда ўзаро ёрдам ҳақида 1942 йилда тузилган Англия-Совет Шартномасига хилофдир. Бу Шартномалар Германия томонидан янги агрессия бўлиши эҳтимолига йўл қўймаслик мақсадида биргаликда чоралар кўришни кўзда тутади.

Совет Ҳукумати Ғарбий Германияда милитаризмнинг тикланиши ва унинг ҳарбий гуруҳларга тортилиши блан боғлиқ бўлган жиддий хавфни кўрсатган эди ва Германия проблемасини ҳал этиш учун жавобгар бўлган давлатларнинг а'тиборини шунга жалб этган эди. Ба'зи давлатларнинг бошқа европа давлатларига қарши қўйилган ана шундай ҳарбий гуруҳлари тузилиши, тарихий тажриба кўрсатганидек, улар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришга ва провардида урушга муқаррар олиб келади. Биринчи жаҳон уруши арафасида шундай бўлган эди. Ўша даврда давлатларнинг бир-бирига қарши икки ҳарбий коалицияси вужудга келтирилган эди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида ҳам шундай бўлди. Ўша даврда гитлерчилар Германияси бошчилигида ўзини бошқа давлатларга қарши қўйган агрессив ҳарбий гурух вужудга келтирилди. Ана шу давлатлар гитлерчилар агрессиясига зарба бериш учун уруш давомида ўз кучларини бирлаштиришга мажбур бўлдилар.

Европанинг Европа давлатлари халқларининг кўпмиллионларча кишиларини қурбон қиладиган ва жуда катта моддий вайронгарчилик келтирадиган қонли ва вайронгарчилик урушлари майдонига доимо айланиб туриши каби аҳволга йўл қўймаслик учун Европада барча Европа давлатлари, уларнинг ижтимоий ва давлат тузуми қандай бўлишидан қат'ий назар, қатнашадиган хавфсизлик системасини вужудга келтириш зарурияти туғилди. Умумевропа коллектив хавфсизлигининг шундай системасини вужудга келтириш Европадаги барча давлатларнинг тинч ҳамкорлик қилиши учун мустаҳкам асос яратган бўлар эди ва Европадаги барча давлатлар ўртасида пайдо бўладиган ихтилофларни тинч ҳал этиш мажбуриятини ўз зиммасига олиш йўли блан, тинчликка хавф тугилган ёки тинчлик бузилган тақдирда эса агрессорга қарши биргалашиб ҳаракат қилиш, шу жумладан ҳарбий чораларни ҳам кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олиш йўли блан уларнинг милий хавфсизлигини гарантиялаган бўлар эди.

Европада коллектив хавфсизликнинг барча европали давлатларнинг биргалашиб ҳаракат қилишига асосланган эффектли системасини вужудга келтириш Германия проблемасини ҳал этиш имкониятини енгиллаштирган бўлар эди. Бу ҳолда ҳозирги вақтда Германиянинг бирлигини қайтадан тиклашга халақит бераётган асосий тўсқинлик бартараф қилинган бўлар эди. Бу тўсқинлик Ғарбий Германияни милитаристик давлатга айлантириш ва уни агрессив ҳарбий гуруҳларга жалб этиш планларидан иборатдир.

Совет Иттифоқи манфаатдор давлатлар ўртасида тегишли битимга келиш имкониятини енгиллаштириш мақсадида, шу йилнинг бошида, я'ни СССР, АҚШ, Англия ва Франция ташқи ишлар министрларининг Берлин кенгаши вақтида «Европада коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Умумевропа шартномаси»нинг асосий принциплари ҳақида таклифлар киритган эди. Европадаги биржанча давлатлар Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш ҳақидаги таклифларни ма'қулладилар. Ҳукуматлари Европада коллектив хавфсизлик иғояси тўғрисида ўз фикрларини ҳали баён қилмаган европали давлатлардаги жамоатчиликнинг кенг доиралари ҳам, шунингдек ҳукуматлари илгари сурилган таклифларни қувватлашдан бош тортган давлатлардаги жамоатчиликнинг кенг доиралари ҳам бу таклифларни қўллаб-қувватладилар.

Ана шу муҳим проблема юзасидан шу вақтгача манфаатлор мамлакатлар ўртасида зарур битимга келинмаганлиги ма'лум. Ҳолбуки, Европа халқларининг хавфсизлигини та'миналш манфаатлари Европанинг тараққиёти герман милитаризмини қайтадан тиклашдан ва Европада давлатларнинг бир-бирига қарама-қарши қўйилган ҳарбий блокларини вужудга келтиришдан иборат ҳалокатли йўлдан эмас, балки Европадаги катта ва кичик барча давлатларнинг қонуний манфаатларини ҳисобга олишга асосланган Умумевропа хавфсизлиги системасини вужудга келтириш йўлидан боришни талаб қилмоқдалар.

Герман милитаризмини қайтадан тиклаш ва ремилитаризация қилинган Ғарбий Германияни ҳарбий гуруҳларга тортиш юзасидан Лондон ва Париж кенгашларида тайёрланган планлар, Европада аҳволни мушкуллаштирмай қолаолмайди. Бу планларнинг амалга оширилиши Европа давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни муқаррар кескинлаштиради, зўр бериб қуролланишни муқаррар кучайтиради ва Европа халқлари зиммасига юклаган ҳарбий харажатларни анча кўпайтиради, албатта. Шу муносабат блан, Европадаги тинчликсевар халқлар ўз хавфсизлигини та'миналш учун янги тадбирларни кўришга мажбур бўлсалар, бу — тамомила табиий бир ҳол бўлади.

Европадаги аҳволнинг уруш хавфини кучайтирадиган даражада ва юқорида айтилганича кескинлашувига йўл қўймаслик учун Европада коллектив хавфсизлик системасини ўрнатишга ва шу блан халқаро муносабатлардаги кескинликни камайтиришга ёрдам бераоладиган барча чораларни кўриш керак.

Шунга биноан, Совет Ҳукумати барча Европа давлатларининг, я'ни бу Кенгашда қатнашишни истаган барча Европа давлатларининг, шунингдек Америка Қўшма Штатларининг Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш масаласи юзасидан кенгашини дарҳол чақириш зарурати туғилди деб ҳисоблайди.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий а'зоси бўлган давлатлар зиммасига халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш юзасидан алоҳида жавобгарлик юкланганлигини а'тироф этиб, Совет Ҳукумати Хитой Халқ Республикасининг бу Кенгашга ўз кузатучисини юбориши мақбул деб ҳисоблайди.

Ўз-ўзидан ма'лумки, мазкур Кенгашда қатнашучи ҳарбир давлат муҳокама қилинадиган масала муносабати блан ўзи зарур деб ҳисоблаган таклифларни киритиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Совет Ҳукумати бундай Кенгашни шу йил 29 ноябрьда Москвада ёки Парижда чақиришни таклиф этади.

Бундай Кенгашнинг чақирилишини кечиктириш мақсадга мувофиқ бўлмас эди. Чунки декабрь ойидан бошлаб Европадаги ба'зи мамлакатларда Париж битимларини ратификация қилиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга киришилади. Бундай ратификация Европадаги бутун аҳволни ғоят мушкуллаштирган бўлар эди ва ҳал этилмаган Европа проблемаларини ҳамда биринчи галда, Германия проблемасини ҳал этиш имкониятига халақит берган бўлар эди.

Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш масаласи юзасидан 29 ноябрьда Москвада ёки Парижда умумевропа Кенгашини чақириш тўғрисидаги таклифга Польша Халқ Республикаси Ҳукумати ва Чехословакия Республикаси Ҳукумати ҳам қўшилдилар. Совет Ҳукумати бу Ҳукуматлар блан бу тўғрида маслаҳатлашди.

СССР Ҳукумати шу мазмундаги ноталарни СССР дипломатия муносабатида бўлган барча европали давлатларга юборди. Совет Иттифоқи шунга асосланадики, СССР дипломатия муносабатларида бўлмаган европали давлатларга мазкур мамлакатлар блан дипломатия муносабатларида бўлган Франция, Англия ёки АҚШ ҳукуматлари таклифнома юборишлари мумкин.

Франция Ҳукумати юқорида айтилган умумевропа Кенгашида ўзининг иштирок қилиши тўғрисида хабар берса, Совет Ҳукумати Франция Ҳукуматидан миннатдор бўларди».

Давлат планларини тўла ва ошириб бажариш учун курашайлик

Чирчиқ — областимизнинг энг йирик саноат марказларидан биридир. Шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари байрамолди социалистик мусобақасига қўшилиб, Улуғ Октябрь революциясининг 37 йиллигини ишлабчиқаришда катта ютуқлар блан кутиб олдилар. Шаҳар корхоналари 10 ойлик давлат планини ортиғи блан бажариб, пландан ташқари кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқардилар. Жумладан, бирнеча миллион киловатт-соат электр қуввати, юзларча тонна минерал ўғит, мингдан ортиқ турли хил электр асбоб-ускуналари, 12 минг жуфт пойафзал ва бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Корхоналар ўртасида меҳнат унумини ошириш учун бошланган мусобақа ҳам ўзининг яхши натижаларини берди: ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан шаҳар саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш 16,8 процент кўпайди.

Шаҳар корхоналарининг коллективлари Москва шаҳар корхоналари коллективларининг бешинчи бешйиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақани янада кенгайтириш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусини қизғин равишда ма'қулламоқдалар.

Шаҳардаги корхоналарнинг рационализаторлари ўтган ойлар ичида катта муваффақиятларга эришдилар. Меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш, ишлабчиқариш процессларини янада такомиллаштириш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган мингларча рационализаторлик ва ихтиро'чилик таклифлари амалга оширилди. Бу таклифлар 1954 йилнинг 10 ойида давлатнинг 4 миллиондан ортиқ маблагини тежаш имкониятини берди.

Айниқса бу соҳала Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг коллективи юқори кўрсаткичларга эришди. Завод ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари социалистик қишлоқ хўжалигимизни янада ривожлантириш тўғрисида партия ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилган тарихий қарорларни амалга ошириш учун курашиб, шу йилнинг 10 ойлик давлат планларини яхши натижалар блан якунладилар Коллектив хомаш'ё ва ёрдамчи материалларни тежаб-тергаб ишлатиш натижасида 10 ой ичида 1 миллион сўмдан кўпроқ маблаг иқтисод қилди.

Шунингдек, Чирчиқ ГЭС тизмалари, «Электрошчит» заводи ва «Союзпроммонтаж» бошқармаси Чирчиқ участкасининг коллективлари ҳам 10 ойлик ишлабчиқариш программасини муваффақият блан бажардилар ва пландан ташқари кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Аммо қўлга киритилган бу юқуклар блан бир қаторда, шаҳардаги саноат корхоналарида анчагина камчиликлар ҳам мавжуд. Сталин номли электрохимия комбинатининг коллективи шу йилнинг 9 ойи мобайнида давлат планларини бажараолмай келди. Чунки комбинатдаги ба'зи раҳбар ходимларнинг бепарволиги натижасида муҳим агрегатларнинг бекор туриб қолиш каби ҳолларга йўл қўйилди. Тўғри, комбинат ишчилари кейинги кунларда иш сур'атини тезлаштириб, 10 ойлик планни бажаришга муваффақ бўлдилар. Броқ комбинатда меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мавжуд бўлган имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланилмаётир. Асосий камчиликлардан бири шуки, комбинатда илғор иш методларини коллектив ўртасида оммалаштиришга жиддий э'тибор берилмайди. Кейинги кунларда меҳнат унумини оширишнинг муҳим фактори бўлган бу иш блан корхона раҳбарлари, партия ва касаба союз комитетлари етарли шуғулланмай қўйдилар.

Новатор ишчилардан Анна Маслова, Мария Коротина, Жўра Эгамбердиев ва бошқа ўнлаб аппаратчилар технология режимини а'ло даражада бошқариб, мингларча сўмлик маблагни иқтисод қилдилар. Бу илғор аппаратчиларнинг иш методлари комбинат коллективи ўртасида кенг оммалаштирилганда эди, пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлар эди.

«Средазхиммаш» заводи октябрь ойи планини бажарди. Лекин 10 ойлик ишлабчиқариш топшириги корхонада бажарилмай қолди. Натижада планда кўрсатилганидан 6 дона компрессор, 5 та насос, 565 тонна миқдорида турли хилдаги ускуналар кам етказиб берилди. Бунинг устига корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи планда кўрсатилганидан анча ошиб кетмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки. корхонада исрофгарчиликка қарши кураш олиб борилмайди. Цехларда хомаш'ё ва ёрдамчи материаллар тежаб-тергаб ишлатилмайди. Шу сабабли корхонада ҳар ойда кўплаб қимматли детальлар чиқиндига чиқарилмоқда. Айниқса қуюв цехида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати ниҳоятда паст. Қуюв цехидаги бу камчилик корхонадаги бошқа цехларнинг ҳам ишига катта зарар келтирмоқда. Ба'зи детальларни тайёрлашга тонналаб металл сарфланади, лекин уларнинг кўпчилиги механика операцияларидан чиқарилгач, сифатсиз эканлиги аниқланади. Натижада кўплаб хомаш'ё ва меҳнат сарф қилиб тайёрланган бу деталь бутунлай брак қилинади. Бундай камчилик корхонада кўпдан бери мавжуд, аммо завод раҳбарлари бу камчиликка хотима бериш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун зарур тадбирларни кўрмаётирлар.

Айниқса шаҳардаги тикучилик ва пойафзал фабрикаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатига кам э'тибор берилмоқда. Тикучилик фабрикаси октябрь ойи планини бажарган бўлса ҳам, аммо 10 ойлик давлат топшириғини бажараолмади. Фабрика пландагидан 23 минг дона кийим-кечак кам ишлаб чиқарди. Ишчиларни ўз вақтида хомаш'ё блан тўла та'миналмаслик меҳнат унумини оширишга тўсқинлик қилмоқда. Фабрика та'минот бўлимининг фаолиятсизлиги натижасида ишчилар кўп вақт бекор туриб қоладилар. Бу эса, ўз навбатида давлат планларининг бажарилмаслигига олиб келмоқда. Хомаш'ё келтирилганда бой берган вақтнинг ўрнини тўлдириш учун шошма-шошарлик блан ишланади. Штурмчилик маҳсулот сифатининг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Худди шундай жиддий камчиликларни пойафзал фабрикасида ҳам учратиш мумкин. Корхона раҳбарлари ишнинг ўнғай томонини кўзлаб давлат топшириқларини ялпи маҳсулот ҳисобига тўлдирмоқдалар. Аммо маҳсулотларнинг ассортименти бўйича давлат планлари бажарилмай келмоқда.

Айниқса шаҳарнинг қурилиш ташкилотлари ишида катта камчиликлар бор. Бу ташкилотларнинг биронтаси ҳам 10 ойлик планни бажараолмади. Бундай ачинарли аҳвол қурилиш участкаларида меҳнатнинг ёмон уюштирилганлиги, механизмлардан етарли даражада фойдаланмаслик натижасида юз берди. 12-нчи қурилиш-монтаж бошқармасининг коллективи Бўзсув посёлкасида қурилаётган мактабни 25 июльда фойдаланишга топшириш мажбуриятини олган эди. Афсуски, бу мактаб ҳалигача фойдаланишга топширилгани йўқ. Шунингдек, бу ташкилот шаҳарда қурилаётган маиший хизмат кўрсатиш комбинатини 1 сентябрьгача фойдаланишга топшириш мажбуриятини олган эди, лекин бу мажбурият ҳам бажарилмай қолди.

Худди шундай мисолларни Сталин номли электрохимия комбинатига қарашли капитал қурилиш бошқармасида ҳам учратиш мумкин. Бу ташкилотда мавжуд механизмлардан ёмон фойдаланилиши натижасида меҳнат унуми ниҳоятда паст. Масалан, шу йилнинг ўтган вақти ичида бетон қориш механизмларидан 50, транспортёр ва бульдозерлардан 50, қориш насосларидан ва компрессорлардан 25, центробеж насосларидан 15 процентгина фойдаланилган, холос.

Қурилиш участкаларидаги бу камчиликларга бинокорлик материаллари ва металлойиҳа хужжатларининг ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Чирчиқ шаҳар саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, партия ва касаба союзи комитетлари ишда юз бериб келаётган бу камчиликларни тезда тугатиб, кенг меҳнаткашлар оммасининг ижодий ташаббусини ва куч-ғайратини бешинчи бешйиллик планини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этишлари зарур. Шаҳар саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

С. ИСМОИЛОВ.

«Ташсельмаш» заводининг илғор ишчиси Т. Рўзматов республикамиз 30 йиллик юбилейи шарафига меҳнат вахтасида туриб, кундалик смена топширигини 250 процентга етказиб бажармоқда.
Суратда: Ўртоқ Рўзматов иш устида.

А. Палехов фотоси.

Даладаги пахтанинг бир граммини ҳам қолдирмай тезроқ йиғиб-териб олиб, келгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарликни кучайтириб юборайлик!

Г. АХМЕДОВА.
Бекобод районидаги Будённий номли колхознинг илғор теримчиси. У, мавсум бошидан бери 8 минг килограммдан ошириб пахта терди.

А. Ким фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси).

М. МИРАЗИМОВА.
Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли колхознинг чевар теримчиси. У кунлик нормани ошириб бажармоқда.

В. Салов фотоси.

Муборак Исмоилова ўз мажбуриятини бажарди

Чиноз районидаги Сталин номли колхознинг илғор теримчиси Муборак Исмоилова ўтган йилги мавсумда 15 тонна отбор ва биринчи сорт пахта териб яхши натижаларга эришган эди.

КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларидан ғоят руҳланган, М. Исмоилова бу йил 17 тонна пахта териб мажбуриятини олган эди. Ўртоқ М. Исмоилова Сталин номли колхозда биринчи бўлиб ўз зиммасига олган мажбуриятни шараф блан бажарди. У терган пахтанинг ҳаммаси отбор ва биринчи сортга қабул қилинди. Ўртоқ М. Исмоилова бошқа теримчилар блан ўз иш тажрибаларини доим ўртоқлашиб келди. Натижада кўпмингчилар ҳаражатига қўшилган теримчилардан Ш. Расулев, Т. Очилов ва И. Исмоилова ўртоқлар ҳам 8 — 10 тоннага етказиб пахта тердилар.

Ўртоқ М. Исмоилова Ўзбекистон ССР 30 йиллик юбилейи шарафига яна 3 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олди. У ўз мажбуриятини шараф блан бажариш учун астойдил ҳаракат қилиб жунига нормадагидан анча кўп пахта тераётир.

Эркиной Маматова 12453 килограмм пахта терди

Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхознинг чевар теримчилари меҳнат унумини сра бўшаштирмаётирлар. Улар ўзаро социалистик мусобақани янада қизитиб, Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олишга аҳд қилганлар. Моҳир теримчилардан, комсомол а'зоси ўртоқ Эркиной Маматова колхозидаги барча теримчиларга намуна бўлаётир. У, 24 октябрьгача 12453 килограмм пахта териб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллигини муносиб кутиб олди. Эркиной Маматованинг шогирдларидан Ҳ. Эшонова, И. Акбарова, Ҳ. Маматқодирова каби бирқанча теримчилар ҳам фидоқорона меҳнат қилиб, 9 — 10 минг килограммдан пахта тердилар.

Ўртоқ Эркиной Маматованинг иш усули барча теримчилар орасида кенг қўлланиб, яхши натижаларга эришилмоқда.

Б. ТЕШАБОЕВ.

Юқори ҳосилли колхозда

Охунбобоев номли колхоз Сирдар'ё районидаги юқори ҳосилли колхозлардан бири ҳисобланади. Бу колхоз а'золари 1250 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил топшириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Колхоз партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Бойназаров) пахта йиғим-терим кампанияси даврида социалистик мусобақани кучайтиришга алоҳида э'тибор берди, партия ташкилоти ҳузуридаги агитколлектив механизаторлар ва колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни намунали уюштириди.

Ҳозир колхознинг Ўртоқ Соатов бошлиқ бригадаси 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан, Ўртоқ Т. Назаров бошлиқ бригадаси 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,5 центнердан ва Ўртоқ Эгам Тошев бошлиқ бригадаси 110 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил йиғиб олиб, йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажардилар.

Охунбобоев номли колхознинг илғор бригада а'золари дала ишларни намунали уюштириб ҳар гектаридан яна қўшимча равишда 4 центнердан ҳосил йиғиб олиш, Ўзбекистон ССРнинг шонли 30 йиллигини пахта тайёрлаш планини 120 процент қилиб бажариш блан кутиб олиш учун астойдил курашаётирлар.

Т. ҲАЙДАРОВ.

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Пахта тайёрлаш ва кузги ишларни ўтказишга конкрет раҳбарлик қилинмаётир

Ўринсиз мағрурланиш

Янгийўл район партия комитети ва район ижроия комитети биносига киришимиз блан коридордаги кўрсаткич тахтага кўзимиз тушди. Унда Хрушчев номидаги колхоз (раиси Ўртоқ Шубладзе, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Бутаев) 1954 йил 8 ноябрьда колхоз бўйича бир кунда давлатга йиллик планнинг 0,8 процента миқдорида пахта топширди.

Шу илғор колхоздан ўрнак олингиз!» деб катта ҳарфлар блан ёзиб қўйилган.

Хрушчев номли колхоз пахта тайёрлаш планини 68,2 процент бажариб, бир кунда йиллк планнинг 0,8 процента миқдорида пахта топширипти. Хўш, шундай кўрсаткичга эришган, я'ни бир кунда 0,8 процент миқдорида пахта топширган колхозни бошқа колхозга намуна қилиб кўрсатса, арзийдими? Пахта тайёрлашда орқада қолаётган бу колхоздан ўрнак олишга чақиришнинг боиси нима? Район раҳбарлари бу блан районнинг қолоқлигини тан олмоқдалар ва бу ёмон натижа эмас деб ўзларини юпатмоқчи бўладилар.

Янгийўл областьнинг юқори ҳосилли ва ҳал қилучи райони бўлишига қарамай, область сводкасида 13-нчи ўринда қолиб келмоқда. Бунинг сабаби колхозларда пахта териш ва давлатга топширишнинг яхши уюштирилмаганлигидадир. Шунинг учун ҳам ёмғир ёғиши блан районда пахта тайёрлаш сур'ати бирданига пасайиб кетди. Кўпчилик колхозлар давлатга жуда оз миқдорда пахта топширадиган бўлиб қолдилар. Хрушчев номли колхознинг бир кунгина кўпроқ процент пахта топширгани район партия, совет ташкилотлари раҳбарларининг назарида аллакандай мувафақиятдек кўриниб кетди. Шунинг учун ҳам улар бошқаларни бу колхоздан ўрнак олишга чақирдилар.

Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари юқори ҳосилли ва ҳал қилучи колхозларга э'тибор бермаётирлар, айниқса 2-нчи МТС зонасидаги колхозларда пахта тайёрлаш сур'ати кун сайин пасаймоқда. Бу зонадаги «Коммунизм», Свердлов номли, Фрунзе номли, Сталин номли ва бошқа колхозларда йиғим-терим ишлари кўнгилдагидек уюштирилмаганидан, кейинги кунларда пахта тайёрлаш сур'ати жуда пасайиб кетди.

Масалан, Ўртоқ Абдулла Ортиқов раислик қилаётган Сталин номли колхозни олиб қарайлик. Колхозда давлатга бир меёрда пахта топшириш учун ҳамма имконият бор. Колхоз раҳбарлари ҳосил топшириш жиҳатидан олдинда бораётирмиз деб, пахта йиғим-терими сур'атини кучайтириш тадбирларини кўрмаётирлар. Бундай аҳволни шу зонадаги 6 колхозда ҳам учратиш мумкин.

Пахта йиғим-терими сур'атини оширишда 2-нчи МТС (директори Ўртоқ П. Галицинский)нинг роли катта. МТС раҳбарлари колхозларда бўлиб, йиғим-теримда юз бераётган камчиликларни бартараф қилишлари керак. Аммо МТС директори Галицинский, бош агроном Халимон Ўртоқлар давлатга пахта топширишдек муҳим ишга раҳбарлик қилмаётирлар. Улар пахта тайёрлаш сур'атини оширадиган тадбирларни амалга оширмаётирлар.

Биз МТС зонасидаги 5 колхозда бўлдик. Ўртоқ Галицинскийни колхозларда ҳам ва ўз кабинетида ҳам учратмадик. МТС ҳоналарининг кўпчилиги берк. Бош инженер Ўртоқ Ю. Боголюбовни уйидан топгач, ундан:

— Ўртоқ Галицинскийни қаердан топсак бўлади? — деб сўрадик.

— Директоримизнинг қаерда эканлигини айтаолмайман. У, қаерда бўлишини ҳечкимга айтмайди, — деб жавоб берди.

Ўртоқ Галицинский ёзи блан «ҳосил яхши, хотиржам бўлинглар» деб район партия, совет ташкилотлари раҳбарларини ишонтириб келди. Тўғри, ҳосил мўл бўлди. Аммо уни йиғиб-териб олиш, қуритиб давлатга топшириш ишн ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Буни 1-нчи МТС зонасидаги колхозларнинг 2-нчи МТС зонасидаги колхозларга нисбатан анча ортиқ пахта йиғиб-териб топшираётганликдари блан ҳам исбот этиш мумкин. Ворошилов номли колхоз ҳар гектар ердан 29 центнердан пахта топширгани ҳолда, 2-нчи МТС зонасидаги «Коммунизм» колхози 22,8 центнердан, «XIX партс'езд» колхози 19,3 центнердан, Фрунзе номли колхоз 21,1 центнердан пахта топширди. Бунинг сабаби ҳосил камлигидан эмас, балки колхозларда етиштирилган мўл ҳосилни тез йиғиб-териб давлатга топшириш ишнинг яхши уюштирилмаганидадир.

Ўзибўларчиликка ташланган муҳим участка

Давлатга бир ме'ёрда пахта топширишда сушилка хўжалиги муҳим роль ўйнайди. Сушилкаларни текшириб, тартибга солиш тўғрисида бундан 2—3 ой илгари МТС раҳбарларига топшириқ берилган. Аммо сушилка хўжалигини тартибга келтириш ўзибўларчиликка ташланганлигидан «Коммунизм», Фрунзе номли колхозларда 4 та газ сушилкаси ҳалигача қурилиб бўлгани йўқ. «Коммунизм» колхозидаги сушилканинг парраги нотўғри ўрнатилиб, кўп меҳнат бекорга кетди. Бундай аҳволнинг юз беришига ҳам МТС раҳбарлари айбли, чунки МТС дирекцияси сушилкаларга бошчилик қилиш учун монтаж бригадаси ташкил қилмади.

Колхозлардаги мавжуд 19 та газ сушилка, 3 та электр сушилка олдиндан текшириб кўрилмади. Жиддий камчиликлар блан ишга туширилган сушилкалар ҳозирги кунда ниҳоятда унумсиз ишламоқда. «Коммунизм» колхозининг бир сушилкасида 15 кишини учратдик. Сушилкада меҳнат яхши ташкил қилинмаган. Пахтани қуритишга мас'ул қилиб белгиланган Ўртоқ Оқбой Тўлашев кундуз соат 3 ларда ухлаб ётипти. 2 киши овқат қилиш блан овора, 2 колхозчи сушилкада қуритилаётган пахтани ташлаб, бошқа ишга кетиб қолган. Пахта узоқ вақт агдарилмаганидан, саргайиб қуйиш даражасига етган.

Колхоз сушилкасида 8 ноябрь куни МТС директори Галицинский, бош агроном Халимон Ўртоқлар бўлганлар. Улар бирнеча минут туриб, меҳмонлардек изларига қайтиб кетганлар. Сушилканинг унумсиз ишлаши сабаблари Галицинскийни ҳам, Халимонни ҳам қизиқтирмаган. «Коммунизм» колхозининг шу кунларда 0,2—0,3 процент, айрим кунлари бундан ҳам оз пахта топширишига асосий сабаб ана шунда. Колхоз раиси Исматов, партия ташкилотининг секретари Усмонов Ўртоқлар ҳам оз ишларининг умумий ишлашига етарли аҳамият бермаётирлар.

Фрунзе номли колхоздаги 4 та сушилка ҳам жуда оз миқдорда пахта қуритмоқда. МТСнинг бу колхоздаги бригада механиги Пунчиков сушилкалардаги камчиликларни билгани ҳолда, ишни ўз ҳолига ташлаб, 6 кун шахсий ишлари блан шуғулланиб юрди. Свердлов номли колхозда терилгон пахта бўлмаганидан, кечалари сушилкалар ишламай тўхтаб қолди. «XIX партс'езд» колхозида эса аҳвол жуда ҳам ачинарли. Колхоз раиси Ўртоқ А. Мухторова колхоз ишини эплайолмаётир. Шунинг учун ҳам 7 ноябрь куни 10 бригада, 8 ноябрьда 8 бригада, 9 ноябрьда 10 бригада бир килограмм ҳам пахта топширмади.

Колхоз правленеси, бошланғич партия ташкилоти сушилкаларда ишлаш учун махсус кишилар ажратмаган. Бугун ишлаган колхозчи эртага бошқа ишга юборилади. Ёқилғи йўқ. Колхоз раиси Ўртоқ Мухторова қўшни колхоз раисларига: «кўмримиз йўқ, бир машина пахта юбордик, қуритиб беринг» деб сўрашгача бориб етмоқда! Район партия комитетининг МТС зонаси бўйича секретари Ўртоқ Н. Авазов вакил бўлган бу колхозда шундай аҳвол юз бериши ачинарли бир ҳолдир. Мас'улиятни ҳис этмайдиган колхоз раиси ва райком вакилига нисбатан бундан кейин муросасозлик қилиш асло мумкин эмас.

Келгуси йил мўл ҳосили учун замин яратиш унутилган

Дала ишларини конвейер усулида уюштириб, пахта йиғим-терими блан кузги шудгор ишларини бир-бирига боғлаб олиб бориш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Аммо, МТС зонасидаги колхозларда шудгор қилинадиган майдонларни гўзапоядан тозалаш, кузги шудгор қизитиб юборилмаган. МТСда трактор ремонти ҳалигача тугалланмаган. 37 гусеничний трактордан 11 таси чала ремонт қилинган ҳолича МТС базасида навбат кутиб турипти. 25 октябрьда колхозларга чиқарилган 26 трактор «ер йўқ» баҳонаси блан ишлатилмаётир. Шудгорлаш юзасидан тузилган график бажарилмаётир. Шуҳрат қозонган МТС зонасида бор-йўғи 100 гектарга етар-етмас ер шудгор қилинган. Гўзапояларни юлиш ишн ҳам бошланганн йўқ. Шу нарса ачинарлики, бирқанча С—80, ПАТИ, ДТ—54 тракторлари кичик бир деталь етишмаётганлиги сабабли шу вақтгача ишга туширилмаган. Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари эса бу муҳим ишни кечиктиришга йўл қўяётган МТС раҳбарларига нисбатан муросасозлик қилмоқдалар.

МТС раҳбарлари пахта тайёрлаш ҳамда кузги шудгор ишларига бирёқлама, юзаки раҳбарлик қилаётганларидек, райкомнинг зона бўйича секретари Ўртоқ Н. Авазов ҳам ташаббус ва фаолият кўрсатиб ишламаётир. У, МТС раҳбарларига нисбатан талабчан эмас. Кўп вақт колхозма-колхоз юриш блан қимматли вақтини бекор ўтказмоқда. 10 ноябрь куни Ўртоқ Авазов «Коммунизм», Фрунзе номли, Свердлов номли колхозларда ва МТСда бўлиб, кечқурун «XIX партс'езд» колхозига келди. Ўртоқ Авазов Фрунзе номли колхознинг 8-нчи бригада сушилкасида бироз бўлиб, моторнинг ғилдирагини ўзгартиришга маслаҳат берди. Кечқурун «XIX партс'езд» колхозига келиб мажлис ўтказди. Шу куни бирнеча сушилкани айланиб чиқди. Лекин, барибир бу колхозларда пахта тайёрлаш сур'ати ошмади, аксинча айримларида яна пасайиб кетди. Бундай қурқ насиҳатгўйлик, гастрольчиклан кўра колхозларга конкрет амалий ёрдам бериш керак. Омма ўртасида олиб бориладиган жонли ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш зарур.

Янгийўл райони колхозларида пахта йиғим-терими сур'атини кучайтириб, ҳарқандай об-ҳаво шароитида ҳам давлатга кўп пахта топшириш учун имконият бор, куч, техника етарли. Мана шу моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланишга оператив раҳбарлик қилинмаётгани натижасида пахта йиғим-терими ҳам, кузги шудгор ҳам шу куннинг талаби даражасида эмас. Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари юз берган камчиликларни бартараф қилиб, қолоқликдан чиқиш чораларини кўришлари зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Нимхуш-у, хўл пахталарни
Пункт қабул этмас қаранг!
Хўш — деганга ҳар қадамда
Важ тополмай раис гаранг.

Пахталарни қуритмоққа
Бир сушилка топилмайди.
Қуруқ қарор, ва'да блан
Хирмон усти ёпилмайди.

Н. Меламед чизган расм.

ТЕАТР

„Май тўкилди“

(Ҳамза номли театрнинг янги спектакли)

Хитой Коммунистик партияси раҳбарлигида озодликка эришган улуғ хитой халқи блан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик кундан-кунга мустаҳкамланиб бормоқда. Бу икки улуғ давлат ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар тобора кенгаймоқда ва кучаймоқда. Хитой адабиёти классикларининг китоблари, янги хитой ёзучиларининг асарлари СССР халқлари тилларига тобора кўпроқ таржима қилиниб, миллион-миллион нусхаларда босилмоқда. Хитой рассомларининг асарлари, драматургларининг пьесалари совет тамошабинлари томонидан зўр қизиқиш ва ҳурмат блан қутиб олинмоқда. Хитой фильмлари ва сан'атининг СССРда жуда кенг кўламда намойиш қилиниши дўстона халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада кучайишига ёрдам бермоқда.

XIII асрда яшаб ижод этган машҳур драматург Ван Ши-фунинг «Май тўкилди» лирик драмаси хитой классик адабиёти хазинасидаги дурдоналардан биридир. Демократик элементларга бой бўлган бу ажойиб халқ афсонасида бахтиёр бўлишга, озод севгига ҳарбир кишининг ҳаққи бор деган чуқур гуманистик ғоя бадиий воситалар орқали ёркин акс этдирилган. Унда аристократия вакилари аҳлоқига халқ орасидан чиққан оддий кишиларнинг соф аҳлоқи, пок муҳаббати қарама-қаршн қўйилган. Олижаноб муҳаббатни улуғловчи бу асарда сотқин монах, бойликка хирс қўйган феодал, лаганбардор ва иккиюзламачи сарой кишиларининг кирдикорлари қаттиқ сатира остига олинганидр. Шунинг учун ҳам «Май тўкилди» пьесасини халқ севиб тамоша қилди, эксплуататордар унга нафрат блан қарадилар. Бу асардаги гўзал дизризм, фош этучи сатирик бўёқлар ҳамда демократик ғоялар унинг асрлар давомида халқ томонидан севилиб ўқилишига, бизнинг кунларимизда ҳам ўзининг бадиий ва ғоявий қимматини йўқотмаслигига сабабчи бўлди. Бу асар ижобий қаҳрамонларнинг олижаноблилиги, демократик ғояларнинг ўткирлиги, қизиқарли сюжети ва халқ донолигини ёркин акс этдирганлиги блан тамошабинларни мафтун этиб келди. Эзучи синфлар асрлар давомида бу пьесани тақиқладилар, унинг тексти босилган китобларни ёндирдилар, бозорларда сотдирмадилар. Аммо халқ ўз севган асари—хитой адабиётининг бу бебаҳо дурдонасини кўз қорачиғидай сақлади. Хитой озод этилгач, бу асар янада кенгроқ оммалашди.

Пьесанинг сюжети жуда содда ва қизиқарли. Су-дзю деган буддийлар монастири. Бу ерга император вазирининг беваси Цуй марҳум эрининг арвоҳига фотиҳа ўқигани гўзал қизи Ин-ин блан кириб келади. Бахт излаб шу шаҳарга келиб қолган камбағал студент Чжан-гун Ин-инни кўриб қолади. Улар бир-бирларини қаттиқ севиб қолишади. Софдил, ақлли ва садоқатли чўри Хан-ян уларга ёрдам берали. Қанотли Пўлбарс деган қароқчи ўз ажаҳарлари блан монастирни қуршаб олади-да, агар Ин-инни хотинликка беришмаса монастирни вайрон қиламан ва ҳамма монахларни қиличдан ўтказаман деб дўқ урали. Кўрқоқ монахлар Ин-инни Қанотли Пўлборсга эрга чиқишга қистайдилар. Броқ баҳодир Чжан-гун Ин-инни душмандан сақлаб қолади. Цуй қизини агар душманни бартараф қилса Чжан-гунга беришга ва'да қилади. Чжан-гун Қанотли Пўлбарсни енгиб ғалаба блан қайтади. Броқ бева Цуй ўз ва'досига мажкорлик блан қиёнат қилади. Унингча камбағал бир студент вазир қизининг тенгқи эмас. У, ўз қизини император саройидаги амалдорга бермоқчи бўлади. Цуй монастирь бошлиғи Фабэн блан тил бириктиради. Ин-ин блан Чжан-гун мажкорлик, иккиюзламачилик ва алдамчиликка қарши қурашадилар. Бунда уларга содиқ хизматкор Хан-ян катта ёрдам беради. Унинг ёрдами блан Чжан-гун ва Ин-ин монастирдан қочадилар ва абадий бирга бўладилар.

«Май тўкилди» пьесасининг сюжети, унда талқин қилинган олижаноб ғоялар совет тамошабинини ҳам ғоятда қизиқтиради.

Ҳамза театрининг ижодий коллективи бу пьесани (А. Глоба драматик композицияси, А. Мухтор таржимаси) ўз репертуарига киритиб яхши иш қилган.

Театрнинг ижодий коллективи олдида пьесадаги илғор ғояни, қаҳрамонларнинг характерини, уларнинг интилиш, орзу-умидларини бадиий воситалар орқали очиб бериш вазифаси турар эди. Театр режиссёри ва артистлари асардаги демократик элементларни бўртдириб беришга, унинг балиий ва ғоявий қимматини тамошабинга етказишга муваффақ бўлган.

Бош рольларнинг ижрочилари ва спектакль режиссёри — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Олим Хўжаев пьесани поэтик драма сифатида ҳал қилганлар ҳамда ундаги чуқур гуманистик ғояни тўла очиб берганлар. Ажойиб инсоний туйғуларни қуйлайдиган, кишиларнинг бахтли бўлиб яшашига тўсқинлик қилучи қора кучларни сатира ўти блан фош қиладиган спектакльнинг лирик бўлиб чиқишида унда акс этдирилган ана шу гуманизм ғоялари ягона манба' бўлган.

Режиссёр Олим Хўжаев спектакльдаги ижобий қаҳрамонларга асосий э'тиборни жалб этиб ва уларни биринчи планга ўтказиб тўғри йўл тутган. Бу блан у яхшининг ёмон устидан ғалаба қилишини аниқ ва равшан кўрсатиб беришга эришаолган.

Театр ижодий коллективининг хизмати шундаки, спектакль саҳнада оддий кишиларнинг фикр ва инсоний туйғуларини яхши бераолган. Спектакль режиссёри ва артистлар ҳарбир персонажнинг характери, ички дун'ёси нақадар чуқур ва аниқ очилса, асардаги воқиа содир бўлган тарихий даврнинг нафаси шу қадар аниқ акс этишини, асарнинг сюжети тамошабинни шу қадар кўпроқ қизиқтираолишини яхши англаганлар. Шунинг учун ҳам Хитойнинг узоқ ўтмишидан олинган бу воқиа тамошабинни ҳаяжонлантиради.

Спектакльни бадиий жиҳатдан безаган рассом Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби, Сталин мукофоти лауреати С. М. Миленининг хизматини ҳам алоҳида та'кидлаб ўтиш лозим. Рассом асарнинг мазмунига мос келадиган экспозицияларни, саҳналарни усталик блан безайолган. Ун уч кўринишли асарнинг саҳналари ихчам ва техник жиҳатдан қулай бўлгани учун тамошабиннинг вақти кўп олинмайди. Спектакль саҳналарининг ҳаммаси сермазмун бўлиб чиққан. Улар воқиа бўлиб ўтадиган жойларнинг манзарасини яққол бериши блан бирга пьесадаги миллий колорит ва поэтикани очиб беришга хизмат қилади.

Режиссёр персонажларнинг кийимларига ҳам алоҳида аҳамият берган. Турли касб, турли мансабдаги кишиларнинг энгиллари хитой халқининг миллий кийими ва XIII аср иқ'зда тутилиб тиктирилган.

Пьесанинг марказидаги Чжан-гун (Ўзбекистон ССР халқ артисти Олим Хўжаев), Ин-ин (артист Я. Абдуллаева), Хан-ян (артист И. Маликбоева) образлари реалистик ва жонли бўлиб чиққан.

Чжан-гун образи спектакльда алоҳида ўрин тутади. Олим Хўжаев ўз қаҳрамонининг порлоқ қиёфасини, гўзал ички дун'ёсини, поэтик натурасини тўлалигича очиб беради. О. Хўжаев ижросидаги бу қаҳрамонда ақллилик, жасурлик ва поэтик қалб эгасининг олижаноб хусусиятлари мукаммал акс этган. Артист айниқса Чжан-гуннинг фош қилучи монологларини, туш картинасини, севги изҳор қилиш пайтларини яхши олиб чиққан. Олим Хўжаев Чжан-гуннинг фош қилучи монологларини ўқиганда Шекспир Гамлети ёдингизга тушади.

Ёш талантли артист Ойра Абдуллаева ўз устида қунт ва сабот блан ишлаши натижасида Ин-ин ролини муваффақиятли олиб чиқишга эришаолган. Тамошабин кўзи олдида ёшлик латофати барқ уриб турган қиз намоён бўлади. Аслзодалар оиласида тарбияланган, оғир иш қилиб ўрганмаган бу нозиккина қизда ҳақиқий ва самимий муҳаббат туйғулари туғилади. Ана шу муҳаббат туйғулари унинг характерини шакллантиради, чиниқтиради, дадил ҳаракатларга руҳлантиради. Ин-ин ўз атрофида бўлаётган мажкорликлардан жирканади, ўз муҳити, онаси блан алоқасини узиб, севган ёри, жаҳонгашта студент, шоир ва дов'юрак йигити блан бирга бўлиш учун, ўз бахтини, озод севгисини кўлига киритиш учун курашади. Артист ўз қаҳрамонининг ички дун'ёсини, унинг интилиш ва ҳислатларини очиб бераолган. Унинг ўз муҳитига нафрат блан қарашигача бўлган эволюция процессини яхши кўрсатаолган. Я. Абдуллаева ва театр режиссёри бу образнинг муваффақиятли чиқишида катта ижодий куч сарфлаганлар.

Спектакльдаги марказий қаҳрамонлардан бири иste'додли артист И. Маликбоева ижросидаги ҳунвоқ чўри Хан-яннинг тўлақонли образидир. Артист ўз роли устида қунт блан ишлаши натижасида тамошабиннинг ҳурматини қозонган, демократик фикрларни ифода қилучи халқ вакили образини ёркин бўёқларда чизиб беришга муваффақ бўлган. Ин-иннинг содиқ сирдоши Хан-ян И. Маликбоева ижросида ўзининг берахм бекаси мажкор Цуй қаршисида тиз чўкса ҳам, ма'навий жиҳатдан ундан бирнеча баравар устун туручи софдил қиз бўлиб чиққан. И. Маликбоева Чжан-гунга Ин-индан хабар олиб келиш, Цуй блан тортишув каби саҳналарни катта сан'аткорлик блан бажаради. Артист оддий хитой қизининг аҳолатсизликка қарши ҳақиқат учун дадил курашини аниқ кўрсатиб бераолган. Хан-ян—Маликбоеванинг ҳарбир саҳнага чиқиши тамоша залида жонланиш ва қарсакларга сабаб бўлади.

Спектакльдаги ижобий қаҳрамонлар эксплуататор синфларнинг вакиллари — бева Цуй, Фабэнь, Фацун ва Фой Мин каби реакция кучларига қарши курашган олиб борадилар ва бу курашда ма'навий ғалабага эришадилар. Пьесадаги бу салбий образлар туҳматчилик, иккиюзламачилик, алдамчилик каби хислатларни ўзларида акс этдирадилар.

Вазирнинг бева хотини Цуй образини Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Кузнецова ўйнаган. Артист Цуйдаги иккиюзламачилик, сурбетлик, алдамчилик, золимлик каби салбий хусусиятларни усталик блан берабилган. М. Кузнецова бу образдаги аслзодаларга хос мағрурлиқни, эгоизмни ва мол-дун'ёга хирс қўйиш каби хислатларни бўртдириб кўрсатган.

Буддийлар монастирининг бошлиғи руҳоний Фабен образи иккиюзламачилик, мажкорлик, лаганбардорликнинг тимсолидир. Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Л. Назруллаев бу салбий образдаги ана шу ярамас хусусиятларни маҳорат блан талқин қилаолган. Артист ундаги айёрлик, ғаразгўйлик каби ҳислатларни, унинг ҳасислигини, ма'навий бекарорлигини, ёлғончилигини очаолган. Фабен ташқи кўринишидан гарчи соф, меҳрибон бўлиб кўринса ҳам, аслида қалбининг эгрилиги, ифлос ва мажкорлиги сезилиб туради.

Фабеннинг маслаҳатчи ва барча қабиҳ ишларининг давомчиси монах Фацундир. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Х. Наримонов бу образдаги пасткашликни ва разилликни тўғри кўрсатиб бераолган.

Юқорида кўрсатилган муваффақиятлар блан бир қаторда спектакль ба'зи камчиликлардан ҳам ҳоли эмас.

Дастлаб шуни айтиш керакки, монах Фой Мин образи муваффақиятсиз чиққан. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Норбоев реалистик образ яратаолмаган. Артист кўп ўринларда ролини ҳаддан ташқари бачканалаштириб юборади, натижада образ реалистик пландан чиқиб карикатурага айланиб қолади.

Режиссёр Олим Хўжаев меҳмонхона хизматчиси (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист У. Абдуллаев), даст'ёр бола (артист С. Зиёвутдинов)нинг ҳам ўрнини, характерини ва вазифасини аниқлаб олиши, уларнинг спектакльдаги салмоғини ошириш керак. Спектакльда Фой Мин ва Фацунларнинг нарвон ҳақидаги бахслари ва мунозаралари эпизоди муваффақиятли чиқмаган. Бу саҳнада монахларнинг ярамасликлари, пасткашликлари, паразитларча яшашлари фош қилиниши ва тамошабинларнинг нафратини, сатирик кулгисини қўзғатиш керак эди. Спектакльда эса тамошабиндан кўра бу икки артист кўп кулади. Бунда албатта сатирик кулгининг кучи қолмайди.

Шунингдек, жанг картинаси ҳам реалистик ва ишонарли бўлиб чиқмаган. Режиссёр саҳна сан'атининг бадиий воситалари орқали жанг шароитини вужудга келтираолмаган.

Театр ижодий коллективида бу камчиликларни тугатиш учун барча имкониятлар мавжуд. Юқорида қайд қилинган камчиликлар тузатилса, шубҳасиз, спектакльнинг бадиий ва ғоявий қиммати янада ортади.

Хитой классик драматурги Ван Ши-фу асари «Май тўкилди» песасининг Ҳамза номли театр саҳнасида қўйилиши Тошкент тамошабинлари ҳаётида катта маданий воқиа бўлиб, совет ва хитой халқлари ўртасидаги дўстликнинг кучайиб бораётганлигини яна бир марта тасдиқлайди.

Совет тамошобини Ҳамза номли театр ижодий коллективи ижросида бой хитой драматургияси хазинасидаги ажойиб асарлардан яна янгиларини кўришни орзу қилади.

Ф. ЖУРАЕВ,
М. ЯҲ'ЕЕВ.

Жаҳон Тинчлик кенгашининг сессияси олдидан

СТОКГОЛЬМ, 13 ноябрь. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Секретариати матбуот учун чиқарган ахборотида қуйидагиларни хабар қилади:

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг 18 ноябрьда Стокгольмда очиладиган сессиясининг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилади:

1. Европадаги ҳамма мамлакатларнинг умумий хавфсизлигини та'миналаш мақсадида уларнинг ҳамкорлик қилиши.

2. Осиёнинг турли қисмларида четэл интервенцияси натижасида ва ҳарбий блоклар ҳамда коалициялар системаси натижасида вужудга келган аҳвол.

3. Миллатларнинг ички ишларига аралашилаётганлиги натижасида Жанубий Африкада вужудга келган аҳвол.

4. Қуролсизланишни та'миналаш ва ялпи қирғин қуролларини тақиқлаш мақсадида тинчликсевар кучларнинг кўриши лозим бўлган тадбирлар.

5. 1955 йилнинг биринчи ярми мобайнида барча мамлакатлардаги тинчликсевар кучлар вакилларининг учрашувига тайёргарлик.

Бош министр Неру ҳузурида матбуот конференцияси

ДЕҲЛИ, 13 ноябрь. (ТАСС). Деҳли радиоси хабар берди: бош министр Неру Пекинга бориб келганидан кейин бугун эрталаб биринчи марта Деҳлида бўлган матбуот конференциясида нутқ сўзлади. Неру Хитойга борган вақтда олган таассуротларини гапириб берди.

Нерунинг фикрича, ҳозирги Хитой учун қуйидаги икки фактор характерлидир: биринчидан, кўпмиллионли хитой халқи учун тинчлик, қонуният ва тартиб жорий қилинган; иккинчидан, Хитойда миллий иftихор туйғуси мавжуддир. Хитой халқи эндиликда ўзининг жуда катта мамлакати бирлаштирилганлигини, бу мамлакат ўзининг қадрини ростлаб олганлигини ва ўзини ҳимоя қилиши мумкинлигини кўриб турибди.

Неру ўзининг Хитойга борганида шу мамлакатдаги шароитни Ҳиндистондаги шароит блан, шунингдек ҳар икки мамлакатнинг ўз проблемаларини ҳал қилиш учун қўлланаётган методларни ҳамиша таққослаб кўрганлигини айтиб берди. У, ба'зи жиҳатлардан айрим соҳаларда Ҳиндисон, ба'зи соҳаларда эса Хитой катта натижаларга эришганлигини кўрган.

Сўнгра Неру бундай деди: Ҳиндистон бирор бошқарув системасига кўрқўрона эргашишни истамайди. Ҳиндистон бошқалардан ўрганишга муштоқдир. Ҳиндистон Европадан ва Қўшма Штатлардан кўп нарсани ўрганиши мумкин, лекин шу блан бирга у, Россиядан ва, айниқса, Хитойдан ҳам кўп нарсани ўрганиши мумкин, чунки Ҳиндистон олдида турган проблемалар Хитой олдида турган проблемаларга жуда ўхшайди, шунинг учун ҳам Ҳиндистон Хитой тажрибасидан фойдаланишга интилмоқда.

Неру матбуот конференциясида, Совет Иттифоқига бориш тўғрисида расмий таклифнома олганлигини айтиб ўтди. Неру, мен Совет Иттифоқига мамнуният блан бораман, аммо қачон боришим мумкинлигини билмайман, деди.

Франция Коммунистик партияси МК пленумида

ПАРИЖ, 14 ноябрь. (ТАСС). Франция Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми «Юманите» редакциясининг вазифалари ҳақида ва партиянинг газетани тарқатиш соҳасидаги тадбирлари тўғрисида Сиёсий бюро а'зоси Этьен Фажоннинг докладини тинглади ва муҳокама қилди.

Пленум «Юманите» газетасининг ишини ва уни тарқатишни яхшилаш йўлларини белгилаган резолюция қабул қилди.

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БЕРЛИН, 14 ноябрь. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг 12 ноябрьда Берлинда очилган 21-нчи пленуми ўз ишини тамомлади.

Пленумда кун тартибидаги биринчи модда юзасидан В. Штоф сўзлади. У, ГБСП МК Сиёсий бюросининг Марказий комитетнинг 20-нчи пленумидан буён ўтган вақт ичидаги фаолияти ҳақида ахборот берди.

Кун тартибидаги иккинчи модда — «ГБСП IV с'езининг қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги ва халқ сайловларидан кейинги вазифалар» тўғрисида В. Ульбрихт доклад қилди.

Сўнгра пленумда бўлган музокараларда 33 киши қатнашди.

ХИТОЙ ХОА БЎЛИНМАСИ ЧАНКАЙШИЧИЛАРНИНГ ҲАРБИЙ КЕМАСИНИ БОТИРДИ

ПЕКИН, 14 ноябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: бугун Хитой Халқ-озодлик армиясининг денгиз бўлинмаси Чжэцзян вилояти қирғоғида чанкайшичиларнинг 1.430 тонна ҳажмли бўлган ва 3 дюмали уч тўп блан қуролланган «Тайпин» деган ҳарбий кемасини ботирди. Бу кема чанкайшичиларга 1946 йилда Қўшма Штатлар томонидан берилган эди. Кема ўққа тутилган пайтида Дачэнь ва Ющань ороллари ўртасидаги Тайчжоувань қўлтиғида қароқчилик қилиб юрган эди.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚИЗИЛ КРЕСТ ЖАМИЯТИ ҚИЗИЛ КРЕСТ ЖАМИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

БЕРЛИН, 13 ноябрь. (ТАСС). АДН агентлиги хабар беради: Қизил Крест жамиятлари иттифоқининг ижроия комитети Германия Демократик Республикаси Қизил Крест жамиятига телеграмма юбориб, комитет Германия Демократик Республикаси Қизил Крест жамиятини Қизил Крест жамиятлари иттифоқига қабул қилишга қарор қилганлигини хабар қилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси

СИЕСИЙ КОМИТЕТДА

НЬЮ-ЙОРК, 13 ноябрь. (**ТАСС махсус-мухбири**). Кеча Сиёсий комитетнинг кундузги мажлисида совет делегацияси бошлиғи А. Я. Вишинский атом қувватидан тинч мақсадлар учун фойдаланишни кучайтириш ишида халқаро ҳамкорлик масаласи ҳақида нутқ сўзлади.

А. Я. Вишинский ўз нутқининг бошида ядро физикасини ва фаннинг у блан боғлиқ бўлган соҳаларини ривожлантиришда рус ва совет олимларининг ролига, шунингдек Совет Иттифоқида атом қувватидан ва радиоактив моддалардан саноатда, қишлоқ хўжалигида, биологияда ва соғлиқни сақлаш ишларида фойдаланилаётганлигига тўхтади. Совет Иттифоқида атом қуввати блан ишлайдиган биринчи саноат электростанциясининг ишга туширилганлиги, деди у, атом қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш ишида энг муҳим қадам бўлди. Атом қуввати блан ишлайдиган ва беш минг киловатт кучга эга бўлган дунёда биринчи электростанция 1954 йил 27 июньда ишга туширилди ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги учун электр қуввати берди. Ҳозирги вақтда СССРда атом қуввати блан ишлайдиган 50 — 100 минг киловатт кучга эга бўладиган саноат электростанцияларини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Атом қувватини кенг миқ'ёсда ишлаб чиқариш соҳасида реал имкониятларга эга бўлган совет давлати энергиянинг бу хил янги туридан халқ бахт-саодати учун фақат тинч мақсадларда фойдаланилишидан роят манфаатдордир, чунки атом қувватидан тинч мақсадларда фойдаланилиши бизнинг мамлакатимиз олдида ҳам, шунингдек атом қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги кенг планларни амалга оширишга тайёр турган ҳамма тинчликсевар мамлакатлар олдида ҳам ишлабчиқариш кучларини роят даражада ўстириш, техникани ва маданиятни тараққий этдириш, жамоат бойлигини кўпайтириш перспективаларини очиб берди.

Жуда табиийдирки, Совет Иттифоқи атом қувватидан тўла равишда нуқул тинч мақсадлар учун фойдаланишини қаттиқ талаб этмоқда, шу блан бирга, тинчликдан сўзсиз манфаатдор бўлган ва янги жаҳон уруши хавфига қарши гарантиялардан сўзсиз манфаатдор бўлган совет халқининг ва ҳамма халқларнинг тинч меҳнатига таҳдид туғилиш хавфини йўқотишга интилмоқда.

Вишинский атом қуввати блан ишлайдиган электростанциялар фақат йигирма йилдан ва ундан ҳам кўпроқ муддатдан кейингина «комерция жиҳатидан фойдали» бўлиши мумкин деб ғарб мамлакатларида билдирилаётган пессимистик фикрларга тўхталиб, бундай деди: ғарб мамлакатларида атом қувватидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш соҳасидаги кенг программани амалга ошириш ишида катта қийинчиликлар туғдирадиган нарса, албатта, бир томондан, ядро, қуролини кўпроқ тўплаш йўли бўлса, иккинчи томондан, ҳозирги вақтда тинч мақсадлар учун атом қуввати ишлабчиқаришнинг рентабельэмаслиги блан боғлиқ бўлган коммерция мулоҳазалар ва манфаатлардир.

Совет ҳукуматининг фикрича, деди Вишинский, давлатлар ўртасидаги тегишли битим асосида тузиладиган ва атом қувватидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш ишлари блан шуғулланадиган халқаро орган ўзининг компетенцияси етарли даражада кенг бўлган тақдирдагина ўз функцияларини муваффақиятли бажараолади, унинг компетенцияси ўзига юклатилган вазифаларни самарали равишда бажариш имкониятини берадиган даражада кенг бўлиши керак, шу блан бирга у ёки бу давлатнинг хафсизлигига путур етказиш учун фойдаланилмаслиги керак. Вишинский айтдики, совет делегацияси АҚШнинг ҳозирги таклифи ҳақида, я'ни халқаро органнинг Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши олдидаги жавобгарлигини бўшаштирадиган таклифи ҳақида Лоджан изоҳот олишга ҳаракат қилиб кўрди. Лоджнинг жавоби гарчи ўз шакли бўйича мужмал бўлса ҳам, моҳияти бўйича АҚШнинг бу ишдан Хавфсизлик Кенгашини четлатиб қўйишга интилаётганлигига шубҳа қолдирмайди. Лоджнинг, БМТ ҳузуридаги махсуслаштирилган муассасалар БМТ блан тегишли битимлар орқали қандай боғланган бўлса, (ҳолбуки, бу муассасалар Бош Ассамблея блан айниқса Хавфсизлик Кенгаши блан жуда заиф боғланган), халқаро орган ҳам БМТ блан ана шундай битимлар орқали боғланган бўлади, деган сўзи Совет Иттифоқининг 22 сентябрьдаги эсдалик хатида баён қилинган принципларга тўғри келмайди. А. Я. Вишинский эслатиб ўтдики, Бош Ассамблеянинг 1946 йил 24 январьда бир овоздан қабул қилинган резолюциясида атом қуввати кашф этилганлиги муносабати блан пайдо бўлган проблемаларни кўриб чиқиш учун ўша вақтда та'сис қилинган комиссиянинг ўз доклад ва рекомендацияларини Хавфсизлик Кенгашига тақдим этиши лозимлиги, шу блан бирга, агар Хавфсизлик Кенгаши тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзда тутиб бошқа хил фармойишлар бермаса, у ҳолда мазкур доклад ва рекомендацияларнинг э'лон қилиниши лозимлиги кўзда тутилган эди. Бу резолюцияда «комиссия бу масалалар юзасидан ўз иши ҳақида Хавфсизлик Кенгаши олдида ҳисобот бериб туради» дейилган эди.

Шундай қилиб, бу резолюция 1946 йилда та'сис қилинган комиссиянинг функцияларига ўхшаш функцияларга эга бўлган комиссия блан атом қувватидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш юзасидан тузиладиган халқаро орган ўртасида ўрнатиладиган алоқанинг қандай бўлишини равшан кўрсатиб беради.

Вишинский атом қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш масаласи блан қуроллароғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш масаласи ўртасида яқин алоқа борлигини уқтириб ўтди. У бу икки масала ўртасида шундай алоқа борлигини бирқанча делегатлар Сиёсий комитетда бу масала юзасидан сўзлаган нутқларида э'тироф қилганликларини айтди.

Совет делегацияси бошлиғи Бош Ассамблеянинг бундан аввалги сессияларида ҳам бу икки масала бир-бири блан боғлиқ қилиб муҳокама қилинганлигини эслатиб ўтди. У, Бош Ассамблеянинг 1946 йил январь ойида бўлган биринчи сессиясидаёқ бир овоздан резолюция қабул қилинганлигини, бу резолюцияда махсус комиссияга атом қуввати устидан атом қувватидан тинч мақсадлар учунгина фойдаланишни та'минлайдиган хажмда контроль ўрнатиш ҳақида таклиф тайёрлаш, шунингдек атом қуролини миллий қуроллар қаторидан чиқариб ташлаш ҳақида таклиф тайёрлаш топширганлигини ҳам эслатиб ўтди.

Совет делегацияси бошлиғи атом қувватидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш, атом қуролини тобора кўпайтириб бориш ихтиролини йўқотиш ўёқда турсин, балки ма'лум шароитда атом қуролини ана шундай кўпайтириб боришга ҳатто ёрдам бериши мумкинлигини айтиб, бундай деди: ана шу сабабдан Совет ҳукумати, атом ва водород қуролини сўзсиз тақиқлаш каби ёки атом қуролини ишлатишдан сўзсиз воз кечиш каби тадбирлар кўрилиши зарур, деб талаб қилади. Атом қуролини ишлатишдан воз кечиш атом ва водород қуролини сўзсиз тақиқлаш соҳасида муҳим қадам бўлар эди.

Биз шу нарсани кўрсатиб ўтган эдикки, атом қуролини ишлатишдан давлатларнинг сўзсиз воз кечишлари тўғрисида битим тузилиши атом қуролини тамомила тақиқлаш, уни давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлаш йўлида муҳим қадам бўлар эди ва бу қадам Совет ҳукумати таклиф этаётган конвенцияда кўзда тутилган ҳамма тадбирларни амалга оширишни осонлаштириш ва тезлаштириш учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлар эди. Биз шу йил 30 сентябрьдаги резолюция проектида шу нарсани ҳам кўрсатиб ўтган эдикки, бу таклифларда мўлжалланган программанинг бажарилиши юқорида айтилган битимнинг тузилиши блан боғлиқ қилиб қўйилмайди. Совет Иттифоқи атом қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш тўғрисидаги халқаро битимга қўшилиш ва шу мақсадда тузиладиган халқаро органга а'зо бўлиб кириш масаласида ҳам шундай позицияни тутади.

Совет Иттифоқи атом қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш идеясини астойдил қўллаб-қувватлайди, деди сўнгра Вишинский. Шу блан бирга Совет Иттифоқи атом қувватидан фойдаланиш ҳақидаги масалани тубдан ҳал этишга бундан буён ҳам зўр бериб ҳаракат қилиш зарур деб ҳисоблайди, чунки атом қувватидан фойдаланишни тубдан ҳал қилмасдан туриб атом қувватидан атом қуроли учун фойдаланилмаслигига ишонч ҳосил қилиб бўлмайди.

Совет ҳукумати, атом қувватидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш ишида халқаро ҳамкорлик қилиш юзасидан битимга келиш соҳасидаги имкониятлардан ҳали тўла фойдаланиб бўлмагани йўқ, деб ҳисоблайди.

Лекин Совет ҳукуматининг астойдил ишонишича, бу соҳадаги халқаро ҳамкорлик шундай принципларни асос қилиб олганлигина самарали бўлиши мумкинки, бу принциплар ана шундай ҳамкорликдан давлатларнинг қонуний манфаатларига қарши фойдаланилишига ўрин қолдирмаслиги лозим. Бу принципларда шундай нарса кўзда тутилиши керакки, атом қувватидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш соҳасида халқаро миқ'ёсда ҳамкорлик қилиш ҳақидаги тузилган ҳарбир битим бирор мамлакатни ёки бир гуруҳ мамлакатларни имтиёзли аҳволга, я'ни бу мамлакатлар ўз хоҳишларини бошқа давлатларга мажбурий равишда қабул қилдираоладиган аҳволга қўймаслиги лозим.

А. Я. Вишинский айтдики, АҚШнинг тузиладиган органнинг Бош Ассамблея блан ва Хавфсизлик Кенгаши блан бўладиган алоқасини бўшаштириб қўйишга интилаётганлиги ана шу принципларга тўғри келмайди. Бундан ташқари, деди Вишинский, етти мамлакат резолюцияси проектидан ма'лум бўлишича, унда халқаро органнинг характерини аслда олдиндан белгилаб берадиган қоидалар бор. Ҳолбуки, бу масала ҳақида музокаралар олиб борилиши лозимки, АҚШ ҳукумати атом қувватидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш юзасидан халқаро орган тузиш блан боғлиқ масала бўйича Совет Иттифоқи блан музокаралар олиб боришга тайёрлигини билдирди.

Бизнинг фикримизча, етти мамлакат резолюцияси проекти юқорида айтилган фактларга мувофиқ қилиниши ва бу проектдан халқаро органнинг характерини олдиндан белгилаб берадиган қоидалар чиқариб ташланиши лозим.

А. Я. Вишинский Сиёсий комитетнинг э'тиборини шу нарсага жалб қилдики, Лодж баён қилиб берган америка таклифларида АҚШнинг шу йил 19 мартдаги меморандумидан ва АҚШ президентининг 1953 йил 8 декабрьдаги баёнотидан жиддий равишда чекиниш, я'ни атом қувватидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш масалалари соҳасида халқаро хамкорликни камайтириш томонига чекиниш қоллари бор. «Жаҳон атом запасларининг потенциал вайрон қилиш кучини камайтириш» плани масаласида ана шундай чекинишга йўл қўйилади. АҚШ президентининг баёнотида жаҳон атом запасларининг потенциал вайрон қилиш кучларини камайтириш ҳақида гапирилган эди, лекин Американинг ҳозирги планида ва етти мамлакат резолюциясида бу ҳақда ҳеч нарса айтилмайди. Кам тараққий этган мамлакатларга техника-экономика ёрдами бериш масаласида ҳам орқага чекинилади. Илгариги таклифларда бу мамлакатларга техника-иқтисодий ёрдам бериш кўзда тутилган эди, аммо ҳозир таклиф этилаётган резолюцияда бу ҳақда ҳеч нарса айтилмайди.

Совет Иттифоқи, деди Вишинский ўз сўзининг охирида, атом қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик принципини қўллаб-қувватлайди. Совет Иттифоқи ана шундай ҳамкорликни ҳамиша талаб қилиб келди, ҳозир ҳам талаб қилмоқда.

Етти мамлакат резолюцияси проектига келганда, СССР делегацияси бу резолюциядаги бирқанча жиддий камчиликларни қайд қилиб ўтиши лозим. Бу камчиликлар халқаро орган қатнашчилари доирасини ва халқаро конференция қатнашчилари доирасини чеклаб қўйишдан, халқаро органни БМТнинг органи сифатида эмас, балки махсуслаштирилган муассаса сифатида тузишдан иборат. Мана бу камчиликлар атом қувватидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни қийинлаштиради. Совет делегацияси яна шу нарсани ҳам назарга олмоқдаки, бу соҳадаги халқаро ҳамкорлик блан боғлиқ бўлган бирқанча масалаларни манфаатдор давлатлар ўртасидаги бундан кейинги музокаралар вақтида қўшимча равишда кўриб чиқиш талаб қилинади. Бизнинг делегациямиз етти мамлакат резолюцияси проектидаги конкрет таклифларни муҳокама қилган вақтда бу масалага яна тўхталишни назарда тутади.

А. Я. Вишинский нутқи зўр э'тибор блан тингланди. Матбуот вакиллари ва меҳмонлар учун белгиланган ўринлар лиқ тўлган эди.

АҚШ вакили Лодж қисқача мулоҳазаларни айтди, бу мулоҳазолар буюк давлатларнинг якдиллиги принципига яна ҳужум қилишдан иборат бўлди.

Миср президенти Нағиб мансабидан четлатилди

ҚОҲИРА, 14 ноябрь. (ТАСС). Расмий равишда хабар берилишича, бугун «Миср революцион раҳбарлик кенгаши» генерал Муҳаммад Нағибни «ишгол қилиб келаётган ҳамма мансабларидан», я'ни республика президенти ва «революцион раҳбарлик кенгаши» раиси мансабларидан четлатишга қарор қилган.

Кенгаш республиканинг янги президенти ҳақида қарор қабул қилмаган ва, хабарда айтилишича, бу мансаб ҳозирча бўш қолмоқда.

Журналистлар доираларининг билдиришича, Нағиб ўз уйида қамоқ ҳолатида яшаб турипти.

Расмий ахборатда айтилишича «Мусулмонлар биродорлиги» ассоциацияси ҳузуридагу яширин ташкилотнинг бугун эрталаб қамоққа олинган раҳбарлари Юсуф Тал'ат ва Иброҳим Аттойиб президент Нағиб блан «Мусулмонлар биродорлиги» раҳбарлари ўртасида алоқа бўлганлигини тасдиқлаганлар.

Миср президенти Нағиб исте'фо берди

НЬЮ-ЙОРК, 14 ноябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Қоҳирадан берган хабарига қараганда, Миср революцион раҳбарлик кенгашининг бугун махсус мажлисида қабул қилинган қарорга биноан Муҳаммад Нағиб президент ва революцион раҳбарлик кенгаши раиси вазифаларидан озод қиланган. Нағибнинг нима учун исте'фо берганлиги ҳақида тафсилий ма'лумот йўқ.

Нағибнинг мансабидан четлатилганлигига доир

ЛОНДОН, 14 ноябрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг обзорчиси Стэнли Придл билдиради: «Лондоннинг дипломатик доираларида биллирилишича, президент Муҳаммад Нағиб блан ҳарбий хунта ўртасида деярлик бир йил бўйи давом этиб келаётган конфликт Сувайш канали зонасидаги инглиз базасининг келгусидаги тақдири ҳақида яқинда Англия блан Миср ўртасида битим тузилганлиги натижасида энг кескин нуқтага етган.

Кенг тарқалган фикрга биноан, генерал Нағиб бош министр Носир блан Англия ҳарбий министри Антони Хед ўртасидаги музокаралар натижасида шу йил июль ойида тузилган битимнинг қоидаларига қарши чиққан.

Бу ерда айтишларича, генерал Нағиб, Революцион раҳбарлик кенгаши қабул қилган битимнинг шартлари Англия учун жуда қулай, деб ҳисоблаган... «Мусулмонлар биродорлиги» ташкилоти ҳам Англия-Миср битимига қарши чиққан.

МЕНДЕС-ФРАНСНИНГ КАНАДАГА ВА АҚШГА САФАРИ

ПАРИЖ, 14 ноябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради: кеча Франция Министрлар советининг раиси Мендес-Франс Канадага ва АҚШга жўнаб кетди.

СТАЛИНГРАДДАН ҚАЙТИБ КЕЛГАН КОВЕНТРИ МУНИЦИПАЛ КЕНГАШИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ЛОНДОН, 14 ноябрь. (ТАСС). Атом қуролини тақиқлашга чақириб БМТга қилинадиган бирлашган мурожаатни ишлаб чиқиш учун Сталинградга борган Ковентри муниципал кенгаши а'золарининг делегацияси Англияга қайтиб келиши блан матбуот конференцияси ўтказди.

Ковентри шаҳрининг лорд-мэри Феннел делегация а'золари Москвада ҳам, Сталинградда ҳам «Кутилганидан кўра ҳам катта меҳмондўстлик» блан кутиб олинганликларини айтди. У, делегатларда Сталинград ҳақида унутилмас таассурот қолганлиги, делегатлар Сталинград аҳолиси блан уруш вақтида вужудга келган дўстона алоқаларни мустаҳкамлаганликларини айтди.

Делегатлар совет кишиларининг меҳнати, турмуши блан ва совет кишиларига социал хизмат кўрсатилиши блан танишиш учун тўла имкониятга эга бўлганликларини айтдилар.

★ ★

Тинчлик курашчиси доктор Сайфуддин Китчлу пионерлар ҳузурида

14 ноябрьда Тошкентдаги Сталин номли пионерлар саройига шаҳар пионер дружиналарининг энг яхши вакиллари йиғилдилар.

Пионерлар саройга кириб келган Умумҳиндистон Тинчлик Кенгашининг Раиси, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Сталин мукофоти лауреати, доктор Сайфуддин Китчлуни дарров қуршаб олдилар. Доктор Сайфуддин Китчлу дастлаб саройда очилган болалар тасвирий сан'ат ижодий виставкасини кўрди. У, ёш рассомларнинг рангли буёқлар блан нафис қилиб ишлаган расмларини кўриб хурсанд бўлди. У, хореграфия тўгарагида ёш балетчиларнинг янги номерларини мароқ блан тамоша қилди.

Сўнгра Сайфуддин Китчлу пионерлар хонасида ёш ленинчилар блан учрашди. Тинчликнинг отаси учрашчиси залга кириб келганида пионерлар уни салом бериб қизғин кутиб олдилар.

Тошкентдаги 88-нчи мактабнинг 6-нчи «В» синф ўқучиси Ра'но Қурбонова учрашув тантанасини очиб доктор Сайфуддин Китчлуга сўз берди:

— Сиз мендан Ҳиндистон ҳақида сўзлаб беришни сўрадингиз. Бу жуда катта масала. Тинчлик учун курашаётган Ҳиндистон катта мамлакатдир. Унинг маданияти кўпйиллик тарихга эга.

Уерда халқ қўшиқ айтишни, ўйнашни яхши кўради. Сиз Ҳиндистон артистлари Тошкентга келганида кўргандирсиз. Ҳиндистонда ишланган кино-фильмлар Совет Иттифоқининг ҳамма шаҳарларида кўрсатилмоқда. Бу фильмлар Ҳиндистон ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

Мен бекса ёшда бўлсам ҳам худди сиз пионерлардек руҳан бақувватга ўхшайман.

Мен пионерларни жуда яхши кўраман. Москвада эканимда москвали пионерлар блан учрашиб роят хурсанд бўлдим, мана бугун сиз блан учрашиб жуда хурсанд бўлиб турибман.

Доктор Сойфуддин Китчлунинг пионерларга қарата айтган сўзлари уларни беҳад хурсанд қилди, пионерлар қайта-қайта чапак чалдилар.

Ра'но Қурбонова тинчликнинг отаси курашчисини фахрий пионерликка қабул қилишни таклиф қилади. Пионерлар Сайфуддин Китчлуга қизил галстук тақиб қўядилар. Пионерлар саройи тўгараклар советининг раиси Мая Орифжонова унга гулдаста тақдим қилади.

Учрашувдан сўнг пионерлар Сайфуддин Китчлуни Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган ўқитучи Евгений Иосиповна Москолева раҳбарлигидаги «Моҳир қўллар» тўгарагига таклиф қиладилар. У, бу ерда ўзбек қизларининг нафис қаштаклар тикаётганини, улуг кишиларнинг портретларини ипак блан тикканларини кўрди. Тўгарак а'золари Сайфуддин Китчлуга Алишер Навоийнинг ипак блан тикилган портретини тақдим қиладилар. У ўзбек пионерларининг бу совғасини Ҳиндистонга олиб бориб ҳинд болаларига кўрсатишга ва'да беради. Сайфуддин Китчлу тўгарак машғулотларига мунтазам қатнашаётган 70 дан ортиқ қизларнинг ўз ишлари ҳақидаги ҳикояларини завқ блан эшитади.

Тошкент пионерларининг вакиллари доктор Сайфуддин Китчлу блан хайрлашар экан, Ҳиндистон болаларига ўзбек пионерларидан қизғин салом топширишни илтимос қилдилар.

Юсуфжон ХАМДАМ.

Фото **З. Погорельченконики.**

Белграддаги халқаро шахмат мусобақаси тугади

Совет гроссмейстери Д. Бронштейн мусобақада ғолиб чиқди

БЕЛГРАД, 14 ноябрь. ТАСС). Кеча Белградда халқаро шахмат мусобақаси тугади. Мусобақада биринчи ўринни 13,5 очко блан совет гроссмейстери Д. Бронштейн олди. У 8 ўйинни ютди ва 11 ўйинни дуранг қилди, бронта ўйинни ҳам ютқазмади. Иккинчи ўринни 13 очко блан халқаро мастер Матанович (Югославия) эгаллади. Учинчи ўринга 12,5 очко блан гроссмейстер Трифунович (Югославия) чиқди.

Тўртинчи ва бешинчи ўринларни совет гроссмейстри Петросян блан халқаро мастер Ивков (Югославия) эгалладилар.

ХРОНИКА

СССР Олий Советининг Президиуми ўртоқ Александр Григорьевич Шереметьевни СССР Қора металлургия министри қилиб тайинлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/XI да **Юрак сирлари**, 17/XI да **Май тўкилди**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 17 ноябрьдан бошлаб ҳар куни — 10 қизиқчининг иштироки блан **кулги, юмор ва сатира кечалари**. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар цирк кассасида эрталаб соат 11 дан сотилмоқда.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, СОБИР РАҲИМОВ номли, «ИСКРА», «ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» — янги чехословак бадиий фильми **Комедиантлар**.

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 11 ва кеч 6 да **Бой ила хизматчи** (ўзбек тилида).

«ИСКРА» — 3-нчи залда кундуз соат 4—20 ва кеч 6—20 минутда **Бой ила хизматчи** (рус тилида).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент область, шаҳар комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг органлари

Ўзбек тилида чиқадиган

„Тошкент ҳақиқати“

ва рус тилида чиқадиган

„Ташкентская правда“

НОМЛИ ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА

1955 йил учун

ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бу газеталар «Правда» газетасининг форматида 4 саҳифадан иборат бўлиб, ҳафтада 5 марта чиқади.

Ҳар газета учун обуна баҳоси:
1 ойга — 4 сўм 35 тийин.
3 ойга — 13 сўм —
6 ойга — 26 сўм —
12 ойга — 52 сўм —

Обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, алоқа конторалари, бўлимлари ва агентликларида, почтальонлар томонидан, шунингдек корхона, муассаса, қурилиш ва ўқув юртларидаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 07589. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1588.